КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 135 (5996).

13 ИЮЛЬ

ЧОРШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

МАЖБУРИЯТ ОЛДИНГМИ, УНИ БАЖАР

БЎТУН мамлакатимиздаги каби областимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Ун минглаб меҳнаткашлар, юзлаб корхоналар коллективлари шу тарихий сана шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар, зиммаларига олган барча вазифаларни тўла-тўкис бажариш, янги-янги меҳнат зафарларига эришиб, она-Ватанни хушнуд қилишга астойдил интилмоқдалар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси, КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги ёрқин ва сермазмун доклади барча корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда янги меҳнат кўтаринкилигини вужудга келтирди.

Областимиздаги кўпчилик шаҳарлар ва районлар саноатчилари, собит қадамлар билан юксалаётган индустриямизнинг аксарият етакчи тармоқлари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан ўзлари белгилаган улкан марраларни шараф билан эгаллаб, эл-юрт олдида берган ваъдаларининг уддасидан чиқишяпти.

Бу ўринда республикамиз пойтахти — Тошкент шаҳри саноатчилари юбилей йилида жуда самарали меҳнат қилишаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Муваффақиятлар гарови бўлган социалистик мусобақани ҳар томонлама авж олдириш, унинг иштирокчилари диққат-эътибори ва изланишини ишлаб чиқаришнинг мавжуд резервларини қидириб топиш ва ишга солишга сафарбар этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаш, сермеҳнат операцияларни енгиллаштириш, турли-туман ташаббусларни кенг оммалаштириш улар эришаётган зафарларининг омиллари бўлмоқда. Тошкентдаги саноат корхоналарининг коллективлари социалистик мажбуриятларини ой сайин бажариб келишмоқда. Улар шу йилнинг биринчи ярмида давлат планини барвақт бажариб, топшириқдагидан ташқари 42 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Бу мажбуриятдагидан ҳам анча кўпдир. Шунингдек Янгийўл, Бекобод шаҳарлари, Бекобод, Бўка, Тошкент, Қуйи Чирчиқ ва бошқа районлар индустрияси ходимлари, юзлаб корхоналар коллективлари ҳам йил бошида зиммаларига олган социалистик мажбуриятларининг тўла ва ошириб бажарилишини таъминламоқдалар.

Лекин, умуман областимиз бўйича йил давомида планда ташқари 145 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш ҳақида берилган ваъданинг сурункасига бажарилмаётганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Ваҳоланки, областимиз саноатчилари доим ўз ваъдаларининг устидан чиқишга одатланишган. Бу йил шундай бўлмаяпти. Бу камчилик шунинг учун ҳам содир бўлмоқдаки, қатор шаҳарлар ва районлар, ўнлаб саноат корхоналари белгиланган планларни бажаришмаяпти, социалистик мажбуриятларни адо этишнинг уддасидан чиқишмаяпти.

Айниқса, областимизнинггина эмас, ҳатто республикамиз саноатида ҳам катта мавқега эга бўлган, мамлакатимиз рангли металлургиясининг йирик саноат марказларидан бири ҳисобланган Олмалиқ, химия ва машинасозлик саноатимизнинг қатор етакчи корхоналари жойлашган ҳамда коммунистик меҳнат ва маданият шаҳри номини олиш учун курашаётган Чирчиқ меҳнаткашлари социалистик мажбуриятларини бажаришда кескин оқсамоқдалар. Бу икки шаҳар саноатчилари йил бошидан бери ўз ваъдаларининг уддасидан чиқишмаяпти. Ярим йиллик якунида ҳам айтарлик силжиш бўлмади. Қолоқликка чек қўйилмади. Оқибатда ўтган биринчи ярим йилликда мажбуриятдагидан юзларча минг сўмлик кам маҳсулот реализация қилинди. Айрим районлар, ўнлаб корхоналар саноатчилари ҳам йил бошидан олинган ваъдаларини уддалашмаяпти. Ҳатто Калинин, Оҳангарон районлари саноатчилари давлат планларини ҳам бажаришмаяпти. Бир қанча муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича социалистик мажбуриятлар уддаланмаётир.

Ваъдани бериб, уни бажармаётган бу шаҳарлар, районлар ва корхоналарда социалистик мажбуриятни адо этиш учун барча имкониятлар бор. Лекин, ҳамма гап ана шу имкониятларни қидириб топиш ва ишга солишда қолган. Бу иш эса яхши йўлга қўйилмаяпти. Шу шаҳар ва районлар партия комитетлари, корхоналар маъмурияти, бошланғич партия ва касаба союз ташкилотлари ишчи-хизматчилар куч-ғайрати ва изланишини ички резервларни аниқлаш ва улардан фойдаланишга қаратишга етарли эътибор бермаяптилар. Илғорлар тажрибасини оммалаштириш, белгиланган ташкилий-техникавий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, ишлаб чиқаришдаги штурмчиликни бартараф этиш, моддий-техника таъминотини пухта йўлга қўйиш масалалари билан лозим даражада шуғулланишмаяпти. Муваффақиятлар гарови бўлган социалистик мусобақани авж олдириш, уни такомиллаштириш ва бу ватанпарварлик ҳаракати иштирокчилари диққат-эътиборини ишлаб чиқаришнинг қолоқ участкаларини бартараф этишга сафарбар қилолмаяптилар. Уларнинг фаолиятида пухта ташкилотчилик етишмаяпти.

Областимиз саноатчилари ишидаги бундай камчиликларни зудлик билан бартараф этиш шу куннинг муҳим ва кечиктириб бўлмас вазифасидир. Бунга эришмоқ учун ҳар бир корхонадагина эмас, балки ҳар бир цех, участка, сменада қолоқлик сабабларини пухта ўрганиб чиқиш ва уларнинг такрорланмаслиги учун барча чораларни амалга ошириш керак. Ҳамма жойда давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мусобақани авж олдириш ва мусобақа ғолибларини ҳар томонлама рағбатлантириш, илғорлар тажрибаси, ташаббусларни кенг ёйиш даркор. Янгийўлликлар бошлаган «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиори остида ишлаш ҳар бир коллектив учун қонун бўлиб қолишига эришиш, Тошкентдаги қатор саноат корхоналари коллективларининг юбилей йили социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш имконини берадиган қўшимча ишлаб чиқариш резервларини аниқлаш ва ишга солиш юзасидан яқинда бошлаган янги ташаббусларини барча корхоналар коллективлари ўртасида кенг оммалаштириш лозим.

Совет халқининг байрамларни меҳнат ютуқлари билан нишонлашга қаратилган ажойиб анъанаси бор. Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш, бунинг учун ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига эришиш, ҳар бир коллектив, ҳар бир ишчи ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун бутун имкониятини, маҳорати ва тажрибасини аямай меҳнат қилиши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитетининг «Республика маккажўхорикорлари социалистик мусобақаси тўғрисида»ги қароридан руҳланган областимиз маккажўхорикорлари дала ишларини янада кучайтириб юбордилар. Суратларда: (чапдан) Бекобод районидаги Ленин номли колхознинг Адолат Рўзиматова бошлиқ маккажўхорикорларидан К. Юсупов ва А. Каримбердиев ўртоқлар маккажўхори сўталарини кўздан кечирмоқдалар. Ўнгдаги сурат эса Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозидан олинган. Колхоз комсомол ташкилотининг секретари Тожибой Бозорбоев ва маккажўхоричилик бригадаси бошлиғи Абдулла Зиёев ўртоқлар навбатдаги ишлар ҳақида маслаҳатлашмоқдалар.

Қ. Розиқов (ЎзТАГ) ва М. Қорабеков фотолари.

МАККАЖЎХОРИ ДОНИ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

ОБЛАСТИМИЗ колхоз ва совхозлари ҳар йили 10—15 минг гектар майдонга дон учун маккажўхори экиб, унинг ҳосилдорлиги ҳамда ялпи маҳсулот етиштиришни мунтазам юксалтириб бормоқда. Бу йил юқори ҳосилдорлик учун кураш янада қизғин авж олдирилди.

Бу қимматбаҳо маҳсулотни кўплаб етиштириш мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканини ҳар бир меҳнаткаш жуда яхши тушунади. Шу боисдан ҳам куни кеча Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республикамиз маккажўхорикорларининг Краснодар ўлкаси Чехословакия ва Болгария маккажўхорикорлари билан маккажўхори донидан мўл ҳосил етиштириш учун курашда авж олиб кетган мусобақасини ҳамда Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига юксак мажбуриятлар олган маккажўхорикорлик бригадаларининг ташаббусларини маъқуллади ва қарор қабул қилди. Бу пойтахт область маккажўхорикорларининг юбилей йилида ҳар гектар ердан 100 центнердан ҳосил кўтариш юзасидан қабул қилган юксак социалистик мажбуриятида ҳам яққол кўриниб турибди. Мажбуриятларнинг шараф билан бажарилиши партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг колхоз-совхозларда олиб бораётган катта ташкилий ишлари билан мустаҳкамланмоқда.

Маккажўхори дони ҳосилдорлигини ошириш имконини берувчи комплекс тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишига халқ контроли комитети ва группалари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Кўкламги дала ишлари бошланиши биланоқ ҳамма хўжаликларда юзлаб янги контроль постлари тузилиб, улар составига тажрибали маккажўхорикорлар, ишлаб чиқариш илғорлари киритилди. Пост аъзолари экишни ўз вақтида сифатли ўтказилиши, гектарларда кўчатнинг нормал қалинликда сақланиши, техника ва ишчи кучларидан самарали фойдаланиш, экин қатор ораларига ишлов берилиши, озиқлантирилиши ва суғорилишини қатъий назорат қилиб бордилар.

Қатор районларда ўсиш даврида далаларни мукаммал текшириб чиқиш йўлга қўйилган. Бу ишлов беришда йўл қўйилаётган камчиликларни тўла аниқлаш ва уларни тезда бартараф этиш имконини бераётир. Шу нарса муҳимки, текшириш натижалари бригадаларнинг йиғилишларида, халқ контроли комитети ва группалари ҳамда колхоз правлениелари мажлисларида муҳокама қилиниб, қандай чора кўрилганлиги матбуот ва радио орқали эълон қилиб борилади. Ўз вазифасига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлган шахслар жиддий танқид остига олиниб, ҳатто моддий жиҳатдан жазоланади.

Яқинда область ва районларнинг халқ контроли комитетлари «Комсомол прожектори» ходимлари ҳамда қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан биргаликда маккажўхорикор бригадаларга рейд уюштириб, экинга ишлов бериш, техникадан, ўғитдан ва сувдан рационал фойдаланиш, шунингдек иш сифатини текширдилар. Текшириш шуни кўрсатдики, областдаги кўпгина колхоз ва совхозларда мўл дон ҳосили олиш учун пухта замин яратилган. Бу йил уруғлик энг қисқа муддатда — 17 мартдан 1 апрелгача экиб бўлинди. Шундан сўнг ҳамма майдонларда экинга ишлов бериш қизитиб юборилди.

Область хўжаликларида бу йил жами 268 та маккажўхоричилик бригадалари ва звенолари тузилган. Технологик карталар ўз вақтида ишлаб чиқилиб, бригадаларга тарқатилган ва агротехник тадбирлар комплекси ана шу карта асосида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози маккажўхоричилик бригадасининг меҳнатга ҳақ тўлаш тажрибаси кўпгина хўжаликларда ўрганиб чиқилиб, умумлаштирилди ва муваффақиятли қўлланилмоқда.

Маккажўхори экилган майдонлар ёппа текширилиб, областимизда бу экиннинг ҳолати умуман яхши эканлиги аниқланди. Ҳозирги кунгача 3,1 марта культивация қилинди, икки марта чопилди, 1,8 марта озиқлантирилди, 3,3 марта суғорилди. Ҳозир Қуйи Чирчиқ районидаги деярли ҳамма хўжаликларда, Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» ва «Чиноз» наслчилик совхозида, Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози ва Сегизбоев номли совхозда, Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз ва Свердлов номли, «Бўзсув», «Жесково» совхозларида, Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» ва Ким Пен Хва номли колхозларда, Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхозда, 1-«Пискент» ва 2-«Пискент» совхозларида, Тошкент районидаги Куйбишев номли колхозда, Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозида, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхозда, Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозида, Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли, Ленин номли ва «Коммунизм» колхозларида мўл ҳосил етиштирилмоқда. Бу хўжаликларда ҳар гектар ерда ўртача 50 минг тупдан кўчат қолдирилган бўлиб, ўсимликнинг ривожи ўтган йилдагига нисбатан 12-15 кун олдинда бораётир.

Шунингдек, рейд бригадалари аъзолари бир қатор хўжаликларда экинга ишлов бериш агротехникасининг бузилаётганлиги, ишнинг сусайтириб юборилганлиги, ҳосилни ўриб-йиғиб олишга яхши тайёргарлик кўрилмаётганлиги каби кўнгилсиз факторларга ҳам дуч келдилар. Маълумки, июль ойи ҳосил тўплашда энг масъулиятли давр ҳисобланади. Бу даврда маккажўхоризорларда ернинг намлигини қочирмаслик муҳим аҳамиятга эгадир. Шунга қарамай, кўп жойларда буни ҳисобга олмаётирлар. Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли, Ҳ. Олимжон номли, Вотинцев номли колхозларда, Оҳангарон районидаги «Олмалиқ», «Октябрь» совхозлари, Тошкент от заводининг бўлимларида, Бўстонлиқ районидаги «Бўстонлиқ» совхози ва «Ленинград» колхозида, Юқори Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли совхоз ва «Гулистон» ҳамда Энгельс номли колхозларда, Ўрта Чирчиқ районидаги бўрдоқичилик базасида, Чиноз районидаги Навоий номли колхозларда экинга кечикиб сув берилмоқда. Саноқли колхозлардагина сув шарбат усулида оқизилаётир. Қатор хўжаликларда эса экин бегона ўтлардан тўла тозаланмаган.

Айрим хўжаликларда кўчат қалинлиги нормадагидан анча кам. Масалан, Чиноз районидаги Навоий номли колхоз, Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхози, Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхози маккажўхоризорларида ҳар гектарда 35-40 минг туп кўчат саналган. Бундан ташқари, текширув шуни кўрсатдики, бу йил маккажўхори дони ҳосили эрта пишиб етилиб, ўрим-йиғим ҳам барвақт бошланишига қарамай, ҳамма ерда ҳам техника воситалари мавсумга тайёр қилиб қўйилмаган.

Текширув ўтказилган кунгача мавжуд 358 та комбайннинг 326 таси, яъни 91 проценти ремонтдан чиқарилган холос. Областдаги 10 та райондан фақат 4 таси — Калинин, Бўстонлиқ, Пискент ва Ўрта Чирчиқ районларидагина комбайнлар ўрим-йиғим мавсумига 100 фоиз тахт қилиб қўйилган.

Умумий ютуқ халқ контроли комитетлари группалари ва постларининг июль ойида ҳосилга ҳосил қўшиш учун курашда актив фаолият кўрсатишларига ҳам боғлиқдир. Июль ойида маккажўхори экилган ҳамма майдонларда тупроқ намини кетказмай сақлаб туриш муҳимдир. Бу сўталарнинг бўлиқ ва доннинг тўқ бўлишини таъминлайди.

Маълумки, бу йил сув танқислиги янада яққол сезилаётир. Шунинг учун халқ контроли органлари мавжуд сувни хўжаликларга керакли миқдорда тўғри тақсимланиши устидан назоратни кучайтиришлари лозим.

Ҳозирданоқ ўрим-йиғим мавсумига жиддий тайёргарлик кўриш зарур. Бу масалада ҳам халқ контроли органлари зиммасига муҳим вазифа юклатилган. Улар кўп йиллардан бери орттирган тажрибаларига асосланган ҳолда комбайнларни ремонт қилишда йўл қўйилаётган нуқсонларни бартараф этиш, транспорт воситалари ва дон қуритиш майдонларини тайёрлаш ишларини мунтазам кузатиб боришлари керак. Чунки бу масалада йўл қўйилган ҳар қандай камчилик ўрим-йиғимни уюштиришга салбий таъсир кўрсатиб, иш суръатини пасайтиради ва кўп ҳосилнинг нобуд бўлишига олиб келади.

Ўрим-йиғимга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш энг муҳим давр бўлиб, у халқ контроли группалари ва постлари аъзолари учун жиддий имтиҳон даври ҳисобланади. Ҳозир районларнинг халқ контроли комитетлари ва группалари ремонт ишларининг бориши ва унинг сифатини диққат билан кузатмоқдалар. Ўрим-йиғим даврида эса уларнинг энг муҳим вазифалари ҳар бир машинанинг далада унумли ишлашини назорат қилишдан иборат бўлади. Бунда асосий эътибор доннинг исроф бўлмаслигига қаратилиши лозим. Чунки область бўйича 350 та комбайн 15 минг гектар майдонда ишлаб турса, ҳар гектар майдонда 10 килограммдан дон исроф қилинса, жами 150 тоннани ташкил этади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди, албатта.

Доннинг исроф бўлишига йўл қўймаслик учун транспорт тележкаларини сифатли ремонт қилиш, қуритиш майдонларининг етарли бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам қуритиш майдонларида пенсионерлардан, яъни агроном ва бошқа мутахассислардан иборат постлар тузиш лозим.

Қабул пунктларига бириктирилган халқ назоратчилари бу ердаги лаборатория ва тарозихона ходимларининг ишини жиддий кузатиб боришлари керак. Бу ерда ҳам мавсумий постлар тузилиб, келтирилаётган доннинг сифатига бўлган эътирозларни ҳисобга олиб, оператив ҳисоб бериб борилади.

Область халқ контроли органлари қолган вақт ичида ҳосилга-ҳосил қўшиш учун курашда ва ҳосилни ўриб-йиғиб олиш даврида назоратнинг ҳар томонлама пухта бўлишини таъминлаш учун барча зарур чора ва тадбирларни кўрадилар. Улар ишнинг бориши тўғрисида маълумот йиғиш ва камчиликларни кўрсатиш билангина чекланиб қолмай, уларнинг бартараф этилишига амалий ёрдам берадилар. Биз ҳар гектар ердан 100 центнердан сифатли дон ҳосили йиғиштириб олиб, юксак социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажарилиши учун область партия ва совет органларига амалий ёрдам беришни ўзимизнинг шарафли бурчимиз деб биламиз.

П. КАБАЧКОВ,
Тошкент область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

ЙИЛЛИК ПЛАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

8-темир-бетон буюмлари заводи Оҳангарон шаҳрида қад кўтараётган қурилиш объектларига турли-туман бинокорлик материаллари етказиб бермоқда. Корхона ишчи-хизматчилари бунёдкорлар буюртмаларини белгиланган муддатларда тайёрлаб беришга астойдил интилмоқдалар. Шу мақсадда социалистик мусобақа авж олдириляпти.

Бу ватанпарварлик ҳаракатида иштирок этаётган қатор бригадалар меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришишяпти. Айниқса, Давлат Эргашев раҳбарлик қилаётган бригада аъзоларининг иши самарали бўляпти. Меҳнатнинг пухта ташкил этилиши ҳар бир ишчининг бутун маҳорати ва тажрибасини аямай меҳнат қилиши, ёш ишчиларга ҳунар ўргатишнинг яхши йўлга қўйилиши ютуқлар гарови бўлмоқда. Шунинг учун ҳам бу донгдор бригада коллективи бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш ҳақидаги ваъдасининг уддасидан чиқмоқда. Бетончилар куни кеча катта зафар қучдилар. Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили учун мўлжалланган давлат планини муваффақиятли адо этганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Йил бошидан бери 3,5 минг кубометрдан ортиқ темир-бетон буюмлари тайёрлаб, қурилишларга юбордилар.

Коллектив СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасидан беҳад руҳланиб, зиммасига оширилган мажбурият олди. Бетончилар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги кунигача яна бир йиллик ишлаб чиқариш топшириғини бажаришга қарор қилдилар.

Ш. ШОАЛИМОВ.

ЧЕКАНКА ҚИЗҒИН

МАШЪАЛ хўжалигимиз пахтакорлари бу йил Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига оширилган социалистик мажбурият қабул қилишган. Улар бир группа илғор пахтакорларнинг 50 центнерлик маррани эгаллаш юзасидан бошлаб берган ташаббусларига қўшилиб, барча агротехника тадбирларини қулай муддатларда сифатли қилиб ўтказдилар.

Ҳозиргача ғўза қатор ораларига беш марта комплекс ишлов берилиб, уч марта оби ҳаётга қондириб суғорилди. Шунинг учун ҳам ҳамма майдонлардаги ғўзалар бир текис дуркун ривожланмоқда.

Тажрибали пахтакорларнинг маслаҳатлари билан куни кеча далаларда ғўза чеканкаси қизғин бошлаб юборилди. Бу муҳим агротехник тадбир Валентин Тянь, Сергей Хван, Эм Дон Гин бошлиқ бригадалар далаларида, айниқса, тез ва сифатли ўтказилмоқда.

А. ШАХАНОВ,
«Политотдел» колхози сувчиси.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 12 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан буён.

Калинин	0,4	81,5
Пискент	1,4	80,6
Бўка	1,5	78,0
Тошкент	2,5	77,4
Бекобод	1,4	76,9
Қуйи Чирчиқ	1,7	76,7
Оққўрғон	0,4	76,3
Ўрта Чирчиқ	0,4	74,9
Оҳангарон	2,4	73,0
Оржоникидзе	0,4	72,5
Чиноз	0,9	71,3
Янгийўл	0,9	65,3
Юқори Чирчиқ	2,7	65,2
Бўстонлиқ	0,5	60,1
Область бўйича	1,4	74,7

ЧИЛЛА СУВИ—ТИЛЛА СУВИ

Султон Маҳмудов тиниб-тинчимас, серғайрат деҳқонлардан бири. Салкам йигирма йилдан бери сувчилик қилиб келмоқда. Биз у билан дала шийпонида учрашдик. Султон 12—бригаданинг икки гектарлик пайкалига сув тараб келган экан.

—Чилла суви тилла суви, —дейди у, —шунинг учун бирон туп ғўзани чанқатиб қўймасликка ҳаракат қиляпмиз. Ҳозиргача менга ажратилган майдон уч марта қондириб суғорилди.

Бригаданинг 65 гектар ери бор. Бу ерда олти сувчи икки сменада ишлаб турибди Султон Маҳмудов ўзаро мусобақада пешқадам. Ўсишдан орқада қолган ғўзаларга шарбат суви бермоқда. Ҳамроқул Турсунқулов номли колхознинг И.Қаландаров бошлиқ бригадасида ҳам ғўзани суғориш яхши ташкил этилган. Бригада сувчилари ишни группа усулида ташкил қилишмоқда.

—Ҳар бир сувчи, -дейди 7-бригада бошлиғи С. Эсонбоев, кундалик нормаларини ошириб бажармоқда.

Лекин Янгийўл районидаги айрим хўжаликларда сувдан рационал фойдаланилмаяпти. Иш икки сменада ташкил этилмаган. Фрунзе номли колхоздаги аҳвол бунга мисолдир. Колхоз раҳбарлари ва мутахассислари сув танқислиги ҳақида кўп гапиришади. Қўшимча сув беришни илтимос қилишади. Амалда эса бор сувдан тежаб фойдаланилмаяпти. Катта йўлнинг ўнг томонидаги бригадаларда сув исрофгарчилигига йўл қўйилмоқда. Зовурларга кераксиз оқиб ўтган сув анчагина. Баъзи сувчилар ўз ишларига юзаки қарашади. Тунги сувдан хабар олинмайди. Айниқса карталарнинг бошига экилган ғўзаларни суғориш ачинарли аҳволда.

Бундай фактларни районидаги бошқа колхозларда ҳам кўриш мумкин. Июль — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой. Не-не машаққатлар билан етиштирилаётган ҳосилни кўпайтириш, белгиланган қалинликдаги ғўза тупларини сақлаб қолиш учун ғўза парваришини кучайтириш, культивацияни сифатли ўтказиш билан бирга суғоришни намунали ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

А. МАЪДИЕВ.

САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТНИ ОШИРИШ—АСОСИЙ ВАЗИФА

ЧИРЧИҚ, 12 июль. (ЎзТАГ). Чирчиқ шаҳар партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида КПСС XXV съезди қарорлари асосида шаҳар партия ташкилотининг саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш соҳасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Сўзга чиққан нотиқлар шаҳардаги саноат корхоналарида шу йилнинг биринчи ярмида қўлга киритилган муайян муваффақиятларни таъкидлаб, бир қанча коллективлар ишида ҳали кўпгина камчиликлар борлиги ҳақида гапирдилар. Ишга туширилган ва ишга туширилаётган қувватлардан тўла даражада фойдаланилмаяпти. Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот салмоғи ҳамон паст. Пленум қатнашчилари ишлаб чиқаришни йил сайин 6—7 процент оширишни таъминлаш учун корхона коллективлари барча имкониятларга эга эканликларини уқтириб ўтдилар. Бунинг учун ички резервларни қидиришни ва улардан фойдаланишни янада кучайтириш, «Ёнимизда биронта ҳам қолоқ бўлмасин» шиори остида ватанпарварлик ҳаракатини кенгайтириш зарур.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов нутқ сўзлади.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВЛАР НАМУНАСИ

СССР янги Конституцияси лойиҳасидан беқиёс руҳланган пойтахтимиз Киров районининг саноат корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб нишонлаш, хўжалик йилини барча кўрсаткичлар бўйича яхши якунлаш учун социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқдалар. Бу яхши самара бермоқда. Маҳсулот реализация қилиш давлат планлари ой сайин ортиғи билан адо этиляпти.

Район саноатчилари шу йилнинг биринчи ярмида ҳам яхши меҳнат кўрсаткичларига эришдилар. Олти ойлик план топшириғидан ташқари бирнеча миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди ва реализация қилинди. Бундай муваффақиятга Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси ва бошқа корхоналарнинг коллективлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Шуниси тақдирга сазоворки, бу пешқадам коллективлар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш қатори унинг сифатини ҳам муттасил яхшилашга эришмоқдалар.

Масалан, тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси чеварлари ўтган ярим йилда пландагига қўшимча 1 миллион 400 минг сўмлик кийим-кечаклар тикишди. Бу, мажбуриятдагига нисбатан анча кўпдир. Йил бошидан бери 2 миллион 800 минг сўмлик маҳсулот давлат Сифат белгиси билан савдо шохобчаларига чиқарилди.

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси машинасозлари мамлакатимиз пахтакорларининг юбилей йилида белгилаган юксак марраларни муваффақиятли забт этишларига муносиб ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Шу туфайли ҳам бирлашма корхоналарида қишлоқ хўжалик машиналари ва уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш жадал бормоқда. Ишчи-хизматчилар шу йилнинг ўтган олти ойида планга қўшимча 360 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Йил бошидан бери тайёрланган барча машина-механизмларнинг 4 миллион сўмлиги фахрли беш қиррали тамға билан чиқарилди.

Район саноатчиларининг мусобақасида актив иштирок этаётган «Ўртоқ» кондитер фабрикаси коллективининг юбилей йилидаги меҳнат натижалари ҳам баракали бўлмоқда. Қандолатчилар йил бошидан бери топшириқдагига қўшимча 250 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Бу ерда 14 хил ширинлик давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқариляпти. Ҳозирги вақтда ҳам янги-янги маҳсулот турларини давлат Сифат белгиси олишга тақдим этиш учун пухта тайёргарлик бормоқда.

Ана шу уч пешқадам корхоналар коллективларидан намуна олган бошқа завод-фабрикалар ишчи-хизматчилари ҳам юбилей йилини меҳнатда салмоқли ютуқлар билан нишонлаш учун авж олаётган мусобақада актив қатнашмоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

КАТТА ИМТИЁЗЛАР

ЗАВОДИМИЗ ишчи-хизматчилари Совет Иттифоқи янги Конституцияси лойиҳаси, КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг шу Пленумдаги сермазмун докладини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Юзлаб агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар корхона цехлари ва бўлимларида шу тарихий ҳужжатлар ҳақида суҳбатлар ўтказишяпти.

Асосий Қонун лойиҳаси совет кишиларининг ижодий кучлари, қобилиятлари ва талантларини қўлланиш имкониятларини янада анча кенгайтиради. Қонунда гарантия билан таъминланган социал ҳуқуқлар ва эркинликларнинг комплекси белгиланган. Айни вақтда янги Конституция лойиҳасида социалистик хўжалик юритишнинг улкан имкониятлари асослаб берилган.

— «Ишлаб чиқариш коллективларининг ташаббускорлиги янада юксалтирилмаса, меҳнаткашларнинг ўзи бошқарувда актив, таъбир жоиз бўлса, омилкорлик билан иштирок этмаса бунга эришиб бўлмайди».— деди Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг май Пленумидаги докладида. Ишлаб чиқариш коллективларининг активлиги ошаётганлигини, бошқарувда уларнинг фаол иштирок этаётганлигини корхонамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Юзлаб машинасозларимиз доимий ишлаб чиқариш кенгашлари ишида, рационализаторлар ва ихтирочилар бюроларида фан-техника жамиятларида фаол қатнашмоқдалар.

Ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш учун муттасил изланиш совет ишчисига хос фазилатдир. Корхонамизнинг аксарият машинасозлари бу хайрли ишда фаол қатнашмоқдалар. Улар ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш, химия машина-ускуналарининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини оширишга ёрдам берадиган янги-янги резервлар ва имкониятларни қидириб топиб, ишга солишга беқиёс кўмаклашмоқдалар. Бу ҳаракат давомида жуда кўп ташаббуслар пайдо бўляпти.

Корхонамизнинг донгдор бригадири, III даражали Шуҳрат ордени кавалери, коммунист Степан Васильевич Киось бошлаган ташаббус корхонамизда кенг ёйилмоқда. У бошлиқ коллектив «Аъло сифат бригадаси» номини олиш учун мусобақа бошлади. Эндиликда бу мусобақа иштирокчиларини Чирчиқ шаҳридаги кўпгина завод ва фабрикаларда учратиш мумкин. Кўпгина машинасозларимиз республикамиз 14 илғор ишчисининг Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини 3,5—4 йиллик нормани бажариш билан нишонлаш юзасидан бошлаган ташаббуси издошлари ҳисобланишади. Улар орасида ветеран ишчиларимиздан пармаловчи Виктор Мельников, токарлардан Александр Гизатулин, Воид Аблезов, темирчи Мардон Ҳамдамов, револьверчи токарь Николай Васильевич Тур ва бошқалар бор. Бу илғорлар зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Николай Васильевич Тур эса заводда биринчи бўлиб беш йилликнинг уч йили учун мўлжалланган нормани бажарди ва шу кунларда 1979 йилнинг январь ойи ҳисобига маҳсулот бермоқда. Темирчи Мардон Ҳамдамов ўзининг юксак унумли ва сифатли меҳнати билан донг таратган. У бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш юзасидан зиммасига олган шахсий мажбуриятини муваффақиятли адо этмоқда. Унинг кўп йиллар давомидаги самарали меҳнати муносиб тақдирланган, кўксида қатор орден ва медаллар порлаб турибди. Яқинда у Совет Иттифоқи ишчилари делегацияси составида социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида бўлиб қайтди. Руминия ва Чехословакия, Болгария ва Венгриядаги касбдошлари меҳнати билан танишли, улар билан ўзаро тажриба алмашди.

Совет Конституциясининг буюк кучини амалда ёрқин кўрсатувчи бошқа мисол ҳам келтириш мумкин. СССР янги Конституцияси лойиҳасида қайд қилинганидек **«Давлат меҳнаткашларнинг ижодий активлигига, социалистик мусобақага, фан-техника тараққиётининг муваффақиятларига таяниб, меҳнат унумдорлигини ўстиришни, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва иш сифатини оширишни, халқ хўжалигининг узлуксиз ва мутаносиб ривожланиб боришини таъминлайди».**

Корхонамиз ишчи-хизматчиларининг ижодий активлиги муттасил ошиб бораётганлиги учун ҳам ишлаб чиқариш жараёнлари тобора кенг такомиллашмоқда. Масалан, 2-механика цехида илгари қувур панжаралари тешикчалари бир шпинделли пармалаш станоги ёрдамида очиларди. Кейинчалик цехда программ бошқариладиган кўп шпинделли пайвандлаш агрегатлари пайдо бўлди. Коммунист Владимир Иванович Фомичев бу мураккаб техникани бошқаришни биринчи бўлиб ўзлаштирди. Унинг ташаббуси билан цехда кўп шпинделли станокларни бошқарувчи бригада ташкил этилди. Оддий ишчининг меҳнатга ижодий муносабатда бўлиши туфайли ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги формаси пайдо бўлди. Бундай бригаданинг ташкил этилиши билан тайёрланаётган маҳсулот сифати кескин яхшиланди, биргина меҳнат унумдорлиги 13 процент ошди.

Янги Конституция лойиҳасини ўқир экансан, жуда ҳаяжонланасан, киши. Унда совет кишиларининг жуда кўп ҳуқуқлари белгилаб берилган. Масалан, ҳаётимиз Асосий Қонуни лойиҳасининг 45-моддасини олиб кўрайлик. Унда бундай дейилади: **«СССР гражданлари илм олиш ҳуқуқига эгадирлар».**

Корхонамизда ишлаш давомида ўз билим доирасини кенгайтираётган ишчи-хизматчилар жуда кўп. Масалан, Василий Коростин 1-механика цехига ишга келганида ёш йигитча эди. У пармаловчилик касбини ўрганди, кўп ўтмай илғорлар сафига ўтиб олди. Ҳозирги вақтда совет ҳокимияти юбилейигача 3,5 йиллик нормасини бажариш учун курашмоқда. Айни пайтда у ўқишни ҳам давом эттирди. Яқинда Чирчиқ индустрия техникумини тугатди. Унинг умр йўлдоши, Чирчиқ трансформатор заводининг фрезерчиси Лилия ҳам техник дипломини олди. Айни вақтда корхонамизда 300 дан ортиқ ишчи-хизматчи ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртлари, техникумлар, ишчи-ёшлар мактабларида ўқишяпти. Фақатгина бу йил 70 ёш ишчимиз ўрта мактабни тугатганлиги ҳақида аттестат ва техник дипломларини олишди.

Шу ерда бир мулоҳаза баён қилмоқчиман. **Янги Конституция лойиҳасининг 45-моддасида мактаб дарсликларини текин бериш ҳақида гап боради. Бизнингча уни аниқроқ баён қилиш керак. Бу имтиёз ўқувчиларнинг қайси категориясига ва мактабларнинг қандай типларига оидлиги аниқ айтилса тушунарли бўлар эди.**

О. ЛЕВАК,
Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводи бўлими бошлиғи.

Бу автомобиль корхонаси коллективи Бекобод районидаги кўпгина саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларига хизмат қилади. Зиммасидаги вазифанинг масъулиятини чуқур ҳис қилган корхона меҳнат аҳли автомашиналар паркидан самарали фойдаланиш, транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашга астойдил ҳаракат қилмоқда. СССР янги Конституцияси лойиҳаси шофёрлар куч-ғайратини янада ошириб юборди.

ШОФЁРЛАР ҒАЙРАТИ

Корхона коллективи давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Шу йилнинг ўтган олти ойидаги меҳнат натижалари ҳам баракали бўлди. Топшириқ муддатидан бирнеча кун илгари адо этилди. Ҳаммаси бўлиб, 251 минг тонна ҳажмдаги халқ хўжалик юклари белгиланган манзилларга етказиб берилди. Кўрсатилган хизмат ҳажми 6 миллион 397 минг тонна-километрни ташкил этди.

Ишлаб чиқаришнинг бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам дуруст бўлди. Планга қўшимча равишда мижозларнинг 5 минг тонна юки ташиб берилди.

Р. БАГИРОВ,
45-автокорхона.

ДЕПУТАТ БУРЧИ

МЕНИ бу йил иккинчи марта область Советига депутат қилиб сайлашди. Бундай ишончга сазовор бўлиш катта шараф. Депутат зиммасида жиддий ва улкан масъулият бор. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Советининг йиғилишида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, ривожланган социализм шароитида депутатлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, партия белгилаб берган социал программани ҳаётга татбиқ этиш, социалистик демократизмни ҳар томонлама ривожлантириш, яъни коммунизм қуриш вазифаларини ҳал этиш учун курашга янада активроқ киришишлари лозим. Биз — халқ депутатлари учун бу сўзлар ҳаракат программасидир.

Мен меҳнат қилаётган Т. Умриллаев бошлиқ бригада аъзолари ҳам пахта ҳосилдорлигини йил сайин ошириш, шу йўл билан партия қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун курашмоқдалар. Бу соҳада эришаётган ютуқларимиз ҳозирча чакки эмас. Бўлтур ҳар гектар майдондан 31 центнердан ошириб ҳосил олдик.

Районимиздаги маҳаллий Совет депутатларининг фаолияти кейинги пайтларда янада активлашди. Сайловчиларнинг аҳоли турмуш даражасини кўтариш учун берган кўплаб наказлари муваффақиятли бажарилди. Пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик ишларидаги ютуқ ва камчиликлар депутатлар томонидан ўз вақтида таҳлил қилиб борилмоқда. Депутат назорати, аралашуви яхши натижалар бермоқда.

Фикримча, депутат на фақат жамоат ишларида активлик кўрсатмай балки шахсий меҳнат намунасини ҳам намойиш қилиши зарур. Ўз-ўзимга ана шундай топшириқ бериб, бутун мавсум давомида қишлоқ хўжалик ишларида имкони борича фаол иштирок этаяпман. Ҳар йили 10—12 тонна пахта тераман. Шу ўринда янги Конституциямиз лойиҳасида халқ депутатларига берилган катта имтиёзлар қаторида унинг ишлаб чиқаришдаги шахсий ўрнаги ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтилса кўнгилдагидек бўларди деб ўйлайман.

Советлар ишида сайловчилар наказини бажариш, халқ хўжалик планларини ошириб бажаришга ҳисса қўшиш асосий ҳисобланади. Советларнинг фаолиятини худди ана шу вазифага йўналтириши билан ҳам характерли бўлган СССР янги Конституциясининг лойиҳасини қизғин қўллаб-қувватлайман.

Сафарой МИРЗАЕВА,
область Советининг депутати, Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз ишчиси.

Суратда: пойтахтдаги «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг пешқадамлари Лариса Валуева ва Жамила Бузрукхонова. Бу ҳамкасб дугоналар бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий топшириғини бажаришга аҳд қилишган. Уларнинг ҳозирги кунлардаги иш суръати зиммадаги юксак мажбуриятнинг муддатида бажарилишидан далолат бериб турибди.
М. НУРИДДИНОВ фотоси.

Тошкент чинни заводи рассомлик цехининг ижодкори Мунира Турсунова корхона маҳсулотларининг чиройли безаклар билан чиқарилишига муносиб ҳисса қўшмоқда.
Суратда: М. Турсунова ўзи яратган безакли лаған билан.
Г. САМАТОВА фотоси.

СОҲИБКОРЛАР САРДОРИ

Бир вақтлар Калинин районидаги Свердлов номли совхознинг боғи боғ эмас, қаровсизлигидан хўжаликка доғ бўлиб қолган эди. Ҳосил пасайиб кетган, дурустроқ даромад олинмас эди. Совхоз маъмурияти ҳар ишда ҳозиру-нозир, оқилона иш юритиш билан ном чиқарган ажойиб соҳибкор Тожихўжа Усмоновни боғ бригадасига бошлиқ қилиб тайинлади.

Тожихўжа ака ўзига бўлган ишончни оқлаш учун астойдил иш бошлади. Дастлаб, у аъзолардан токларнинг тагини яхшилаб чопиб юмшатишни талаб қилди. Наридан-бери ишлаганларга танбеҳ берди, улардан сифатли, дурустроқ ишлашни талаб қилди. Шунинг учун баъзи кишилар уни «инжиқ» боғбон дер эдилар. Буни сезиб ўзини сезмасликка олиб юрган Тожихўжа ака аъзоларига ҳикоя қилиб берди:

— Бир камбағалнинг бир парча боғи бор экан. Касал бўлиб, ўлим тўшагида ётганида, икки ўғлини чақириб, шу боғнинг бир ерига топган-тутган олтинимни кўмиб қўйган эдим. Қаерга кўмганим эсимда йўқ, дебди-ю, жон берибди. Икки ўғил боғни хўп ағдар-тўнтар қилиб ковлашибди-ю олтин топишмабди. Лекин кузда боғдаги узумлар жуда яхши ҳосил қилибди. Камбағал олтин кўммаган. У меҳнат олтиндан қиммат бахт келтиришини яхши тушунган. Шунинг учун боққа қарасанг боғ бўлур, қарамасанг доғ бўлур, дейдилар. Ҳар бир ишга ихлос қўйиб, астойдил ишласанг юзинг ёруғ бўлади. Муғомбирлар бировни эмас, ўзини алдайди. боғ ҳам сийлаганини сийлайди, —деди у пировардида.

Тожихўжа аканинг одамларни астойдил меҳнат қилишга рағбатлантириши учун айтган насиҳатомуз гаплари кузда ўз натижасини бера бошлади. Қаровсиз қолган боғда одамлар астойдил ишладилар, токларнинг тагини бўшатишди, озиқлантиришди. Гўнгни аяшмадилар, вақтида хомток қилишди. Бу ишлар кузда ўз самарасини берди. Боғни кавлаб олтин топишмаган бўлишса ҳам олтиндай сапсариқ узум етиштиришди. Пландаги 6,2 тонна ўрнига гектаридан 12 тоннадан узум йиғиб олинди. 406 тонна мева топширилди. Ана шунда бригада аъзоларининг чеҳралари очилиб кетди.

Дарҳақиқат Тожихўжа ака одамлар билан ишлашни яхши билади. Собиқ жангчи, уруш ветерани Тожихўжа ака бир вақтлар пахтачилик бригадасида ишлаб ҳосилдорликни 14 центнердан 32 центнерга кўтарган эди. Собиқ Свердлов номли колхознинг чорвачилик фермасида ишлаганда икки йил ичида чорва маҳсулоти кескин кўпайди. Сўнг партком секретари бўлди. Совхоз ташкил этилганда 1-бўлимга бошлиқ қилиб тайинланди. У ерда ҳам чакки ишламади. Мана. энди Тожихўжа ака совхознинг атоқли соҳибкори талабчан, баъзи кишиларнинг ибораси билан айтганда «инжиқ» боғбон. Қани энди ҳамма ҳам Тожихўжа акага ўхшаб меҳнат қилса!

Асхўжа ИНОҒОМОВ.

ЗАФАР БОНГЛАРИ

МАРДЛИК—МАНГУЛИК

ШАМОЛ ўрик шохларини силкиб шийпон томига уради. Қинидан чиққан майда довучча тўкилади. Уй эгаси сўрининг олдида ток новдаларини боғлаяпти. «Дарров ўсиб кетибди-я, шўраси ҳам ажрапиб қолибди» — ҳаёлидан ўтказади ҳаваскор соҳибкор.

— Бугун коватоқ есак бўлар экан, — дейди у ошхона олдида нималаргадир уннаётган рафиқасига.

— Бажонудил.

Она айвонда турган қизига буюради: — Шуҳрида, шийпонга жой солақолайлик, кўрпача-ёстиқлардан ола чиқ.

Қиз уйга кириб жиринглаб турган телефон трубкасини шошилиб кўтарди.

— Ҳа, Умаровнинг квартираси... Ҳозир.

Шуҳрида адасини чақиради: — Москвадан сўрашяпти сизни.

— Солиҳ Ҳусанович! Табриклайман! —ҳаяжонли овоз эшитилди трубкадан.

— Э, Жора, сенмисан! Сира ёдингдан чиқармайсан-да.

— Нега ҳам ёддан чиқарай.

Дўстлар ҳол-аҳвол сўрашгач, Тошкент ва Москвадаги янгиликлардан, оилавий аҳволдан бир-бирларини хабардор қилишди...

Ҳа, бугун унутилмас кун. Солиҳ ака туғилган кун. Яна — Берлин таслим бўлган кун!

Ўша қирқ бешинчи йилнинг 2 майида ҳам старшина Георгий Воронцов батарея командирини табриклаш учун тўпчиларни йиғаётганди. Омонат дастурхонга топган-тутган нарсалар қўйилган, старшинанинг запасдаги спирти ҳам тенг тақсимланаётган эди. Қадаҳлар — фляга қопқоқлари уруштирилиб, Берлин остонасида командир шаънига, яқинлашаётган ажойиб ғалаба шаънига илиқ сўзлар айтишга оғиз жуфтлаб турилган эди. Батареяга шошилинч буйруқ бериб қолишди:

— Берлиннинг ғарбига ўтилсин, 132-ўқчи дивизиянинг аҳволи чатоқ, унга дарҳол ёрдам бериш зарур.

Бу дивизия Вильгельмштадт районида эди. Унинг мудофаасини душман ёриб ўтмоқчи. Нима қилиш керак! Вильгельмштадт— Деберитц лагери оралиғидаги шоссени қандай бўлмасин тўсиш лозим. Командир Берлин картасини диққат билан кузатди. Масофа олис. Шаҳар чеккасидан айланиб ўтиладиган бўлса 150 километр чамаси йўл босиш керак.

— Эрталаб соат олтигача улгурамизми! — сўрайди Умаров шофёрдан.

— Кечаси-ку, йўл жуда оғир. Нари борса соатига ўн километр тезликда юриш мумкин. Машиналарнинг ёнилғиси ҳам етиши амри маҳол, — жавоб беради Огородников. У бироз ўйга толиб, мулоҳазасини ўртага ташлайди:

— Яқин йўлдан кесиб чиқмасак бўлмайди, бунинг учун шаҳарни яхши биладиган одам керак.

Разведкачи Архипенко немисчани жуда яхши ўрганиб олган эди. У бир зумда қаердандир шаҳар кўчаларини яхшилаб суриштириб келди.

— Тўплар машинага ортилсин! — команда берди Умаров ва биринчи машинага ўзи ўтирди. Рулда Огородников, унинг ёнида Архипенко бордилар. Қолган машиналар ҳам силжиди.

Чироқни ёқиш мумкин эмас. Гоҳ у, гоҳ бу ерда ёнғин чиқаётганини ҳисобга олмаса, шаҳар кўчалари қоп-қоронғи. Ўқтин-ўқтин олисдан нималарнингдир гурсиллаб қулагани, одамларнинг қий-чуви эшитилади. Ўнг-сўлингга қараб жон ҳовучлаб борасан: кутилмаган фалокатдан ўзингни сақлашинг керак. Батарея учун бутун Ельнядан Берлингача бўлган олис жанг манзиллари ҳам бир бўлди-ю, шаҳарнинг бу томонига ўтиб олиш ҳам бир бўлди.

— Етиб келдик, ўртоқ капитан! — деди Огородников.

Умаров соатига қаради: ўн бешта кам олти.

Атрофдан отишмалар эшитиляпти. Душман жон-жаҳди билан автоматдан, пулемёт ва миномётлардан отаётган эди. Солиҳ ака тўп командирларига буйруқ берди:

— Тўпларнинг оралиғи юз метрдан бўлсин. Расчётдаги ҳар бир жангчи тўла қуроллансин.

Тўплар жанговар позицияни эгаллаб олмасданоқ фашистлар атакаси бошланди. Бизникилар душманни жуда яқин келтириб, сўнг ўт очишди. Биринчи атака муваффақиятли қайтарилди.

— Ҳали яна кўп ҳужум бўлади, фашистларнинг бу ердан бошқа ёриб ўтадиган жойи йўқ, хушёрликни бўшаштирманг.

Командир айтганидек бўлди. Гитлерчилар бутун кучини шу ерга тўплаб ташланаётгандай эди. Жанг қизигандан қизирди. Тўп стволлари ундан ҳам.

Тун бўйи мижжа қоқмай йўл босиб келган Умаров батареяси жангчилари қора терга тушиб, фашистлар ҳамласини қайтарарди. Ноумид—шайтон деганларидек, душман нафасни ростлай-ростламай яна атака қиларди. Унинг олдинги колонналари тутдек тўкилар, лекин янгидан куч тўплаб яна келарди.

Командир сезгирлик билан ҳар бир расчётни кузатиб турарди. Қуроллардан ўзаро биргалашиб отишни моҳирона ташкил этарди, тўп қошида туриб вазифалар қўярди.

Снарядлар тугаёзган эди.

— Танклар! —қичқирди кимдир.

— Бизникилар етиб келишди, —ҳаяжонли товушлар эшитилди.

Ўнг ва чап томондан гуррос келиб қолган танк корпуси олдида дармонсизланган фашистларнинг таслим бўлишдан бошқа иложи қолмаган эди. Кечқурун Умаров батареясининг бугунги жанг натижалари ҳисоблаб чиқилди: душманнинг 200 дан ошиқ солдат ва офицери ҳалок бўлиб, бир танки, тўрт бронетранспортёри, ўқ-дори ортилган олти автомашинаси ёндириб юборилибди, 175 гитлерчи асир олинибди...

* * *

ТЕЛЕФОН ҳаёлларини ўша оловли йилларга олиб кетди. Қуролдош йигитларнинг бари бирма-бир кўз ўнгидан ўтаверди.

Унинг батареясидаги ҳамма жангчилар бир-бири билан қадрдон оға-ини бўлиб кетган, мағизни ҳам бўлашиб ейишарди. Бошқача бўлиши мумкин эмасди. Унинг взводидагилар Москва остоналарида биринчи жангга кириб, то фашистлар уясига боргунча бирга бўлишганди.

Солиҳ Умаров взводида турли миллат вакиллари бор эди. Взвод Ашхободда ташкил этилган эмасми, туркманлар кўпроқ эди. Туркманлар бу талабчан, ўқувли, мураккаб техниканинг бутун икир-чикирларини яхши ўзлаштириб олган ўзбек командирини севиб қолишган эди.

Икки йиллик ҳарбий тажрибага эга командир артиллериячи учун зарур бўлган ҳамма фазилатларга эга эди: қотмадан келган бу бақувват офицер у ё бу машқни бажаришда расчётга ўзи амалий намуна кўрсата оларди. Қуролнинг бирон бир қисми ишдан чиқиб қолса, дарров «чигал»нинг сабабини топарди.

Бу қисм ёз жазирамасини ҳам, қиш аёзини ҳам, қор, ёмғир даҳмазасини ҳам бирга бошдан кечирди. Ўрмон ичидаги гулхан ёлқинида ҳам, шўх дарёлар тўлқинида ҳам улар бирга бўлди.

Машаққатли кунларда дўстлик қонунини муқаддас тутиш, дўстга суяниш, мададкорлик қилиш, мушкулни енгиллаштириб, ҳар қандай офатни даф этаркан. Буни Солиҳ Умаров болаликдан ҳис этган эди.

Ёшлигида ота-онадан ажралиб етим қолганда ғам-аламли кунларига Чақар маҳаллалик тенгқур дўстлари шерик бўлганди. Болалар уйида тарбияланиб юрганда ҳам, Ленин номли педагогика билим юртида таҳсил кўрганда ҳам қувонч ва ташвишларини ҳамсинф, ҳамкурслари билан баҳам кўрарди.

Паркентга янгигина ишга келган кезлари-чи! Қишлоқ мактабида у бир ярим йилдан ортиқроқ дарс берди. Бу орада яхши дўстлар топиб олди. Қаюм, Абдураҳмон, Эргаш... Улардан Солиҳ бир ёш кичик эди. Кичик бўлса ҳам билим, қобилият, кучда қолишмасди. Балки кўп ишларда раҳнамолик қиларди. Янги ўқитувчини мактабга илмий мудир қилиб ҳам тайинлашган эди.

1939 йили педагог дўстлари Қизил Армия хизматига чақирилдилар. Солиҳ-чи! Ёшим кичик, менга ҳали вақт бор экан, деб қолармиди. «Дўст билан абадий бўлиш керак». Унинг шиори шундай. Ўн етти ёшли ўспиринни истисно тариқасида ҳамқишлоқлари билан хизматга — Ашхободга юборишди.

ОҚҚЎРҒОН районидаги Навоий номли колхознинг Алисултон Фоиқов бошлиқ бригадаси пахтакорлари 50 центнерлик маррани кўзлаб қизғин иш олиб бормоқдалар. Суратда: (чапдан) механизатор — звено бошлиғи Қўчқор Ризманов ва Қўшали Исмоилов ўртоқлар культивация олдидан машинанинг ишчи органларини кўздан кечирмоқдалар.

Х. АВВАЛОВ фотоси.

Дунё овози
чет эл хабарлари

Ж. ФОРДНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК. АҚШнинг собиқ президенти Ж. Форд АҚШ билан СССР ўртасида стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида янги битимни тезроқ тузиш кераклигини айтди.

Ж. Форд Ассошиэйтед Пресс агентлиги радиоэшиттириш хизмати маҳаллий ходимларининг Вейл шаҳрида (Колорадо штати) ўтказилган съездида сўзлаган нутқида бундай деди: Бундай битимнинг имзоланиши Қўшма Штатларнинг, Совет Иттифоқининг ва умуман бутун инсониятнинг энг зарур манфаатларига мос бўлиб тушади.

Ж. Форд ҳозирги пайтда Совет — Америка музокараларининг боришидан «хавфсаласи пир бўлганлиги»ни билдирди. Картер маъмуриятти раҳбарлигининг янги услуби ва унинг янги таклифларини эътиборга олганда, деди у, стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида Совет Иттифоқи билан Америка ўртасида навбатдаги битимни тузиш пайсалга солинса керак. Мен, деб таъкидлади Ж. Форд, бундай битимни шу йил 3 октябргача имзолаш имконияти бор, деб ўйламайман. Ҳозир амалда бўлган муваққат битим муддати 3 октябргача тамом бўлади.

ДИЛ ҚУВНАЙДИ

Камол Мамедов бошлиқ бригада пахтакорлари 125 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 31 центнер ўрнига 40 центнердан «оқ олтин» хирмони бунёд этиш иштиёқида меҳнат қилишяпти. Ҳозир ғўза парвариши зўр уюшқоқлик билан олиб борилаётир.

Миришкорлар ғўза суғоришни икки сменада ташкил этишган. Сувчиларга тажрибали деҳқон Ўринбой ота Мадраҳимов бошчилик қиляпти.

— Чилла суви — тилла суви дейишади. Саратонда ғўза сувга қондирилса, ҳосил мўл бўлади. Шунинг учун ҳам суғоришни чуст усулида ташкил этганмиз. Бундай суғориш натижасида экинларнинг қониб сув ичишини таъминлаяпмиз, — дейди сувчи Ў. Мадраҳимов.

Бригаданинг Аҳмад Ойдинов, Мамат Абдуллаев, Жўра Эргашев каби сувчилари Ўринбой отадан ўрнак олиб меҳнат қилишяпти. Бу ишчан сувчиларнинг ҳар бири кунига 1,3 — 1,5 гектар майдондаги ғўзаларни обиҳаётга қондиришяпти. Ниҳолларни учинчи озиқлантириш ва парваришлаш бир-бирига боғлаб ташкил этилган.

Абдуқаюм Ўринбоев, Ўринбой Тожибоев сингари механизаторлар етилган майдонларидаги ғўза қатор ораларига пешма-пеш ишлов беришяпти. Ғўза тупларини шикастлашмаслик учун культиваторларга махсус мослама-ҳимоя қисмлари ўрнатилган.

Султон Сегизбоев номли совхознинг 5-бўлимидаги К. Мамедов бошлиқ бригада пахтазорларида бўлган кичик деҳқонларнинг юксак мажбуриятига яраша иш олиб бораётганликларига ишонч ҳосил қилади. Деҳқон меҳри билан яшнаётган серавж ғўзалардан дил қувнайди.

О. ТУРАҚУЛОВ,
Оққўрғон райони.

СУҲБАТЛАР ТЕМАТИКАСИ

МАМЛАКАТИМИЗ Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини тантанали нишонлаш учун зўр тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзбекистон пойтахт области меҳнаткашлари ҳам Улуғ Октябрь юбилейи шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, 27 июнь куни муддатидан аввал саноат маҳсулоти реализация қилиш ҳамда энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича ярим йиллик планни бажардилар. Ой охиригача пландан ташқари ўнлаб миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби областимиз меҳнаткашлари ҳам СССР янги Конституцияси лойиҳаси ҳақидаги масалани муҳокама қилган КПСС Марказий Комитетининг Май Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежнев докладидаги хулоса ва қоидаларни зўр сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги билан кутиб олдилар. Бу муҳим ҳужжатларда Коммунистик партиянинг бош мақсади совет кишиси тўғрисида ғамхўрлик қилиш эканлиги ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Область шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари Асосий қонун лойиҳасини кенг муҳокама қилиб, партия ва давлатимизнинг сиёсатини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар, КПСС XXV съездида белгиланган ўнинчи беш йиллик планларни ошириб бажариш йўлида зўр куч-ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

СССР Олий Совети сессиясининг қарорлари қизғин маъқулланмоқда. Бу сессияда ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Советининг Президиумининг Раиси қилиб сайланди.

Шу кунларда партия ташкилотлари, оғзаки сиёсий агитациянинг барча кадрлари ўз куч-ғайратларини КПСС Марказий Комитети май Пленуми ҳамда СССР Олий Советининг сессияси қарорларини коллективларда ҳамда турар-жойларда чуқур тушунтиришга, сиёсий агитациянинг самарадорлигини янада оширишга сафарбар қилишлари лозим. Ана шу мақсадда сиёсий ахборотчилар, агитаторлар ва сиёсий ташкилотчиларнинг семинарини ўтказиб, унда қуйидаги материаллардан фойдаланиш керак:

Совет кишисининг ғоявийлиги. («Правда» газетасининг 1 июль сони).

Агитация сифатининг яхшилайлик. («Агитатор», 11 сон 33-36 ва 12-13 бетлар).

Сиёсий раҳбарликнинг таъсирчан қуроли. («Политическое самообразование», 6 сон, 7-12 бетлар).

Ҳаёт билан мустаҳкам алоқалар. («Ўзбекистон агитатори», 12-сон, 2-5 ва 14-17 бетлар).

Июль ойида суҳбатлар ўтказиш учун қуйидаги материаллардан фойдаланинг.

ИЧКИ СИЁСИЙ ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА:

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети май [1977 йил] Пленумида СССР янги Конституцияси лойиҳаси ҳақида қилган доклади юзасидан лекциялар, доклад ва суҳбатларнинг тахминий тематикаси («Агитатор» 12-сон, 33-36 бетлар).

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советида. «КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Францияга қилган визити якунлари тўғрисида» (Марказий, республика, область газеталарининг 25 июнь сони).

Ривожланган социалистик жамиятнинг демократизми («Ўзбекистон коммунисти», 6-сон, 7-17 бетлар).

Интернационализм ва халқлар дўстлиги — Октябрнинг буюк ғалабаси («Партия турмуши», 6 сон, 21-26 бетлар).

Йиғим-теримга пухта тайёрланайлик («Агитатор», 12-сон, 36-38 бетлар).

Экономикамизнинг мустаҳкам замини. 17 июль — Металлурглар куни («Агитатор», 12-сон, 39-40 бетлар).

Совет кишисининг фаровонлиги учун. 24 июль — Савдо ходимлари куни («Агитатор», 12-сон, 47-48 бетлар).

ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА:

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида. Республика маккажўхорикорларининг социалистик мусобақаси тўғрисида (республика ва область газеталарининг 12 июль сони).

Пахтадан мўл ҳосил тўплаш учун. Область пахтакорлар Советининг тавсиялари (область газеталарининг 12 июль сони).

Ўн беш йиллик («Ўзбекистон агитатори», 11-сон, 2-6 бетлар).

Бош йўналишда («Партия турмуши», 6-сон, 11-19 бетлар).

Иқтисод ва тежамкорлик учун («Ўзбекистон агитатори», 11-сон, 11-15 бетлар).

Иш вақти — зарбдор меҳнатга («Ўзбекисотн агитатори», 12 сон, 18-21 бетлар).

Қишлоқ аҳолисига («Агитатор», 12-сон, 18-21 бетлар).

ФАН ВА МАДАНИЯТ:

Октябрь яратган турмуш тарзи («Коммунист», 8-сон, 49-58, «Агитатор», 11-сон, 24-27, «Ўзбекистон агитатори», 12-сон, 10-13 бетлар).

Меҳнат ресурслари ва демографик жараёнлар («Политическое самообразование» 6-сон, 83-87 бетлар).

Буржуазиянинг «сўз эркинлиги» ниқоби ортида («Агитатор», 12-сон, 52-54-бетлар).

Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яқинлаштириш йўлидан («Ўзбекистон коммунисти», 6-сон, 34-40 бетлар).

Янги анъана ва урф-одатлар учун («Ўзбекистон агитатори», 12-сон, 31-бет).

Ер юзида қанча китоб бор! — факт ва рақамлар. («Ўзбекистон агитатори», 12-сон, 24-бет).

ХАЛҚАРО АХВОЛ:

Совет—Франция декларацияси (Марказий газеталарнинг 23 июнь, республика ва область газеталарининг 24 июнь сонлари).

Тинчлик байроқдори («Ўзбекистон агитатори», 12-сон, 6-9 бетлар).

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг «Асахи» газетаси бош редактори С. Ҳатанинг саволларига жавоблари (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 12-сон, 38-43 бетлар).

Халқаро ҳуқуқ — Октябрдан бизнинг кунларимизгача («Коммунист», 8-сон, 84-93 бетлар).

СССРнинг ривожланаётган мамлакатларга ёрдами («Ўзбекистон коммунисти», 6-сон, 86-91 бетлар).

Социализм дунёси ва революцион жараён («Ўзбекистон коммунисти» 11-сон, 7-10 бетлар).

Маданий алоқалар халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашнинг омили сифатида («Политическое самообразование», 6-сон, 71-77 бетлар).

Пекин: антисоветизм ниқоби остида халқаро танглик юмшатилишини кўпориш йўли. (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 11-сон, 19-24 бетлар).

АҚШ: ишчилар синфи курашни давом эттирмоқда. («Агитатор», 11-сон, 57-59 бетлар).

Илова: Суҳбатга тайёрланишда вақтли матбуот, маҳаллий факт, рақам ва мисоллардан фойдаланинг.

ОҒЗАКИ СИЁСИЙ АГИТАЦИЯ КАДРЛАРИГА ЁРДАМ

МЕҲНАТКАШЛАР АССАМБЛЕЯЛАРИГА САЙЛОВ

ЖАЗОИР, 12 июль. (ТАСС). Жазоирдаги саноат корхоналарида меҳнаткашлар ассамблеяларига депутатлар сайлови бошланди. Бу ассамблеялар ишлаб чиқаришни бошқаришда Жазоир ишчиларини кенг қатнаштирувчи органлардир.

Меҳнаткашларнинг 1974 йилда ташкил этилган ассамблеялари ҳозирги вақтда 250 мингдан зиёд ишчи банд бўлган 50 миллий компанияда ишлаб турибди. Улар корхоналарни бошқаришда ҳамда уларнинг фаолиятини планлаштиришда актив қатнашмоқдалар. Меҳнат интизомини яхшилаш учун, хўжасизлик ва исрофгарчиликка қарши курашмоқдалар. Ассамблеяларнинг корхоналар даромадини тақсимлашдаги иштироки уларнинг ишчилар социал таъминотини яхшилашларига имконият яратиб берди. Заводларда ошхоналар, дам олиш уйлари, медицина марказлари вужудга келтирилди.

Меҳнаткашлар ассамблеяларининг меҳнат унумдорлигини ошириш йўлида актив кураш олиб бораётганлиги ишчиларнинг иш ҳақини кўпайтиришга ёрдам берди. Ассамблеялар ўз фаолиятини бошлаганига кўп вақт ўтмаганлигига ва корхоналарни социалистик негизда бошқаришда ҳали кўп тажриба тўпламаганлигига қарамай, социалистик тараққиёт йўлини танлаб олган мамлакат экономикасининг моддий базасини вужудга келтиришга кўмаклашмоқдалар.

ФИНЛЯНДИЯ. Ловис шаҳридаги мамлакатда биринчи атом электр станцияси Финляндияда 1977 йилнинг энг яхши қурилиш объекти деб тан олинди. Бу объект совет мутахассислари ёрдамида бунёд этилган.

ТАСС фотохроникаси.

МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИККА ДАЪВАТ

ПАРИЖ. Морис Торез ва Жак Дюкло 1940 йил 10 июлда Франция халқига мурожаат қилиб, фашизмга қарши, миллий мустақиллик учун курашга даъват этган эди. Франция компартияси шу даъват йиллигини тантанали вазиятда нишонлади. Жак Дюкло яширин шароитда иш олиб борган чоғида Парижнинг Мортье бульваридаги бинода шу даъват текстини ёзган эди. Бино пештоғига ёдгорлик тахтаси ўрнатилди.

Франция коммунистик партияси сиёсий бюросининг аъзоси Г. Плиссонье қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: коммунистлар Франциянинг мустақиллиги ва суверенитетини қаттиқ ҳимоя қилиб, граждан эркинликларини, социал ва иқтисодий тараққиётни таъминлаш учун Франция халқининг кенг демократик иттифоқини вужудга келтириш учун курашмоқдалар.

ВИЗИТ ТАМОМ БЎЛДИ

РИМ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретари К. Вальдхаймнинг Италияга қилган расмий визити тамом бўлди. К. Вальдхайм Италия президенти Ж. Леоне, министрлар кенгашининг раиси Ж. Андреоти, ташқи ишлар министри А. Форлани билан суҳбат қилди.

Суҳбат вақтида БМТнинг тинчликни мустаҳкамлаш ва тараққиёт мақсадларини кўзда тутган фаолиятига ижобий баҳо берилди. К. Вальдхайм Яқин Шарқдаги аҳволга доир масалаларини, Яқин Шарққа бағишланган Женева сулҳ конференцияси ишларини яна бошлаб юбориш имкониятларини, Африка ва Ўрта Денгиз ҳавзасидаги вазиятни ҳам Италия раҳбарлари билан муҳокама қилди.

Улуғ Ватан уруши бошланганда Солиҳ Туркманистон пойтахтида эди. Бу вақтда у ҳарбий курсни тугатиб, кичик лейтенант унвонини олган, взводга командир қилиб тайинланган эди.

* * *

ДЎСТЛАР ҳозир ҳар қаёқда. Лекин севимли командирни энг қадрдон кишини эслагандек эслаб туришади. Унга хат-хабарлар йўллашади. Ўз меҳрибон командирларининг ҳаёти, ишдаги муваффақиятлари билан қизиқишади.

«...Ўттиз йил муқаддам биз сиз билан Германияда ажралишган эдик. Орадан кўп йиллар ўтиб кетди. Биз бир-биримиз билан кўришмаган бўлсак ҳам аввал Ғарбий фронтда, сўнг I-Белоруссия фронтида босиб ўтган жанговар йўлимиз, хотирамда ҳамон сақланади. То тирик эканман, у хотираларни асло унутмайман.

Бобровони унутиб бўладими, ахир. Сизни блиндажда тупроқ кўмиб юборгани, биз Абрамешин билан (3-тўп наводкачиси) олдингизга кузатув пунктига келганимиз...»

Ҳа, Боброво! Москва остоналарига келиб қолган фашистлар пойтахтга интилиб турган пайт. Қирқ иккинчи йилнинг чиллама қиши охирида эди. Ёмғир йайиб кетган эди. Совуқ 42-43 даражага борарди. Туркман йигитлар анча қийналишди. Ашхобод бошқаю—Москва ўрмонларидаги шароит бошқа экан.

Загвоздино қишлоғида Солиҳ Умаров взводи душманга қарши жангга кирди. Бу ерда совуқ ҳам, душман ўқи ҳам бир хилда хавфли эди. Йигитлар ер устида туриб, оёқ қўли жонсиз бўлиб қоларди. Отдан йиқилиб муз қотиб қолиш ҳеч гап эмасди.

— Қани, олға! — туртарди шинелга маҳкам ўралиб, қалпоқни бостириб олган командир секинлашаётган жангчини кўриб.

Шу ерда қизишиб кетиб ўзига нима бўлганини билмай қолди: ё кимдир зарб билан қулочкашлаб уриб йиқитди, сўнг устидан чиқиб тепкилади, ё баланд биноми, катта дарахтми устига қулаб, вужудини эзиб юборди. Жон аччиғидаги баданининг ҳароратиданми, «ажал» оловиданми қор эриб, воронка ҳосил бўлганди. Муз аралаш лой остидан тортиб олишганди уни ўшанда.

Дарвоқе, ҳалоскорлардан бири ана шу биринчи ўт очиш взводининг собиқ командири Георгий Николаевич Коротких эди.

Хат автори яна давом этарди: «Агар сиз ўз ҳарбий бурчингизга содиқ қолмаганингизда менга бу сатрларни ёзиш қаёқда эди... 27 апрель Ковель яқинидаги жангни эсларсиз.

Ельня озод қилинган сўнгги жанглар-чи! Пиёда қўшинлар ўровда қолди. Сиз эса танг аҳволдан қутқардингиз».

...Ельня. Фашистлар шу ердан жонажон Москвамизга дарвоза очмоқчи бўлган эди. Душманни бу шаҳардан қувиб чиқариш керак. Биринчи жангдан тажрибага эга бўлган йигитлар энди дадиллашиб қолишди.

— Биз ўрмон ичига келиб тушдик. Ёпиқ позициядамиз. Тўплар билан отиб бўлмайди. Уларни данғалига йўлга олиб чиқдик: тўрттала тўп темир йўлда жанговар позицияни эгаллади. Фурсатни пойлаб душман устига ўт очамиз. Команда жуда вақтида берилган экан. Снарядлар нишонга бораверди. Шу ерда туриб душманнинг олтита «тигр»ини ёндириб юборибмиз. Шуниси қувончлики, биздан сира талофот бўлмади. Ўровда қолган пиёда қўшинларимизга олдинга силжиш имконини яратиб бердик.

Шу жангда биринчи мукофотга — «Жасурлиги учун» медалига тавсия этишди.

Кейин Калуга, Орша, Могилев шаҳарларидаги бир-биридан мураккаб, машаққатли жанглар...

— Эсимда. Душманни измаиз қувдик. Калугага кираверишда фашистларнинг учта пулемёти кўринмас нуқтада тўхтовсиз ўқ ёғдирмоқда. Учалови ҳам баравар отиб тургандан сўнг пиёда қўшинлар уёқда турсин, чумчуқ ҳам учиб ўтолмас экан. Взводим уччала пулемётни ҳам «тинчитди».

Қирқ учинчи йилнинг яна бир унутилмас воқеаси бор.

Сиёсий ишлар бўйича полк командирининг ўринбосари подполковник Урицкий чақираётганлигини айтишди.

— Довюрак йигит экансан, жангдаги жасоратингни эшитдим, балли, азамат, взводингдагиларга ҳам ташаккуримни айт.

— Раҳмат. Совет Иттифоқига хизмат қиламан!

— Яна бир гап бор. Ҳозир қисмга бориб тайёрлан. Партия сафига қабул қилмоқчимиз. Қарши эмасдирсан!

— Катта ишонч билдиряпсиз, оқлай олармиканман! Ички ҳаяжонини яширишга уринарди Умаров.

— Дадил бўлавер.

Подполковник ҳузуридан кучига-куч қўшилгандек бўлиб, кўнгли тоғдек кўтарилиб чиқди.

Сентябрь ойида у Коммунистик партия аъзолиги билетини қўлга олган эди. Коммунист командирнинг жангчилар орасидаги обрўси кундан-кун ортиб борди, кўп ўтмай, уни батарея командири қилиб тайинлашди...

Коротких урушнинг охирги кезлари 80-артиллерия полки I-дивизионида штаб бошлиғи бўлган. 1945 йил баҳорида демобилизация бўлиб Горький шаҳрига келган, йигирма тўққиз йил Горький политехника институти математика кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлаган. Ҳозир пенсияда.

...Қисмларимиз Буг дарёси ёқасига бориб қолган. Бу дарё Ватанимиз чегараси. Душман бутқул Советлар еридан қувиб чиқариляпти. Аммо Буг олдида фашистлар маҳкам туриб олдилар. Биз кириб борган қишлоқда душман автоматлар, фауст граналар билан тиш-тирноғигача қуролланган экан.

Қишлоқ душманлардан тозалансин, деган топшириқ бўлди.

Батареямни қишлоқ рўпарасига чиқариб, тўпларни жанговар ҳолатга келтиришга команда бердим. Тўпларни жойлаштираётганда ҳеч қандай отишма бўлмади. Снайперлар ҳам биронта ўқ узгани йўқ. Қишлоқдан бизни 800 метрча масофа ажратиб турибди. Миномётларнинг ҳам товуши чиқмайди. «Нима, немислар кетиб қолдимикан! Разведкачиларни олдинга юбориб кўрай-чи».

—Фашистлар аллақачон жуфтакни уриб қолган, разведкачиларни нима кераги бор, эътироз билдирди полк командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари.

Йўқ, шубҳам тўғри чиқди. Фашистлар пулемёти тарилладди. Разведкачиларимиз эмаклаб орқага қайтишди.

Биз мўлжални аниқ билиб олгач, қишлоққа қараб отдик. 30-40 снарядни қуйгандан сўнг батальон командири:

— Етар, капитан, қишлоқнинг ҳаммаёғи ўт ичида қолди, энди пиёда қўшинларни юбориб кўриш мумкин, — деди радио орқали.

Бир-икки батальон жангчи «судербеккерлар»га ўтириб силжиди. Силжиди-ю, рўпарадан душманга дуч келиб қолди. Фашистлар Буг дарёсидан ўтиб кетолмай орқага қайтаётган экан. Пиёда қўшинларимиз шошиб қолишди. Тез қишлоқнинг нариги четига тўпларни олиб ўтишни буюрдим. Полк командиридан пулемёт сўрадим. Ўзимдаги ўлжа пулемётни ҳам тайёрлаб қўйдим. Қуролларнинг ҳаммасидан қаттиқ ўт очилгач, душман талвасага тушиб чекинди. Фашистлар жон ҳовучлаб ўзини дарёга ота бошлади.

Буг ўзи тинч дарё кўринсада, туби жуда тез оқар эди. Гитлерчиларнинг кўпларини сув оқизиб кетди. Олисдаги душман артиллерияси дарё ёқасига келиб қолган жангчиларимизга, кўприк қуришга тушган сапёрларимизга миномётдан отишга тушди.

Батареямизга душманнинг ана шу ўт очиш нуқталарини ишдан чиқариш тўғрисида кўрсатма берилди. Биз миномётларнинг овозини ўчирдик. Шундан сўнг сапёрлар шошилинч кўприк қуришга киришиб кетдилар. Энди дарёдан ўтиш мумкин. Сузишни билмаганларни олдинга ўтказдим. Асов дарёдан дивизиядаги ҳамма батарея ичида биринчи бўлиб бизнинг I-батарея ўтиб олди. Ўзи ўтиб олиши билан бирга пиёда қўшинларнинг ҳам кечувини таъминлади.

Мана шу ерда кўрсатган алоҳида жасорати учун моҳир командир СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 27 августдаги Фармони билан ҳукуматининг энг олий мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланди.

— Хўп омадли йигитсан-да, — ҳавас қиларди қўшнимиз 2-батарея командири Корякин.

— Ҳамма жангдан талофотсиз чиқасан, топшириқларни бекаму-кўст бажарасан.

— Омадли... бўлиши мумкин, — эътироз билдирмасди Солиҳ. — Лекин, дўстим, сенинг бу гапинг менга бизнинг паркентлик бир фолбиннамо кампирни эслатади. Ўша кампир одамларнинг қўлини кафтига оларди-да, кўзига тикилиб туриб тақдирини айтиб берарди.

Мен ҳам унга тасодифан дуч келиб қолгандим.

— Мучалинг нима болам! — сўради у.

— Қаердан билай.

— Туғилган йилингни билмайсанми!

— 1921 йилман.

— Э, болам, мучалинг товуқ экан.

Шундай деди-ю, ёддан ўқий кетди: «Товуқ йилида туғилганлар чуқур фикр юритувчи, истеъдодли шахслар бўлади. Меҳнатни севади, ўз ишига ниҳоятда меҳр қўяди, улуғлар олдида ҳар қандай ишларни бажаришга ҳаракат қилади. Ҳамиша ўзининг ҳақлилигига ишонади. Одатда аслида ҳам ҳақ бўлиб чиқади. Улар жуда очиқ кўнгил, ниҳоятда паҳлавон. Мардона ишларга лаёқатли бўлади...»

Ўша кампир ёлғиз яшарди. Мен унинг мақтовига эмас, одамлар билан суҳбатлашиб, ўзини ҳам, ҳузурига келган кишининг ҳам кўнглини кўтариб юборишига завқим келарди.

Сирасини айтсам гап омадда ҳам, мучалда ҳам эмас. Уруш мучалингни суриштириб ўтирмас экан. Омад, бахт — устав бўйича ҳаракат қилган, қийинчиликларга чидаган одамга оғар экан. Батареямда бундай жасур йигитлар, устав қоидаларига қатъий риоя этадиганлар оз эмасди. Разведкачи Кузьма Породков, кичик сержант Виктор Беляков, туркманистонлик Овез Бобоев, Тангрибердиев, Аннагелдиев шундай жангчилардан эди. Уларнинг ҳар бири ўз фазилати билан ажралиб турарди.

— Шунча жанг қилибди-ю, ўзига сира гард юқтирмабди, фақат фашистларни савалайверибди, деб ўйларсиз, — ҳикоясида давом этди суҳбатдошимиз. — Йўқ, менинг ҳам ўша жангларда қоним тўкилган.

...Душман уясига жуда яқин қолган эдик. Гарден деган қишлоқда пиёда қисмларимиз тўхтаб қолди. Олдинда тепалик, бу томон эса ўрмон. Ўрмондан немис танклари ўрмалаб келиб, фауст граналар билан қисмларимизни бир қадам ҳам силжитмай қўйди.

Ёмғир шивалаб турарди. Ер лой. Ленин орденини топширишган вақтда генераллар кияднган қимматбаҳо матодан тикилган хушбичим шинель ҳам беришган эди. Шинель ўринмасин, деб окопга ўтирмай олифтагарчилик қилганман. Тик туриб жангни кузатардим. Олдинда пулемётчи отиб турибди. Бир ёнимда снайпер солдат ўқ узяпти. Икки метрча олдинда артиллериячи батареямизнинг разведкачиси бор. Ёнгинамизда нимадир зарб билан портлади. Бир нарса тақ этиб, чаккамга тегди. Эътибор қилмай команда бераверидим. Чунки қумлик жой, шағал, тош-пош сачрагандир деган ҳаёлдаман.

— Ҳа, капитан, сенга нима бўлди, ҳаммаёғинг қон-ку, — полк командири келиб қолиб ҳаяжон билан сўраганини биламан.

Хушимдан кетиб йиқилдим. Кўзимни очсам, ўзимни санитария қисмида кўрдим. Тунни билан қон қуйишибди, эрталаб ўзимга келгач, гандираклаб қисмимизга етиб олдим. Батареяга яна командирлик қила бошладим.

Эртаси куни тўпчиларимиз фаустникларни ҳам, пулемётларни ҳам овозини ўчиришди. Бироқ, душман танклари бизникиларга йўл бермасди.

— Тўплар жанговар позицияга олиб чиқилсин!

Расчёт жангчилари тўпларни қўлда итариб, катта қийинчилик билан ёпиқ позициядан аранг олиб чиқишди. Тўғри наводка билан отишни буюрдим. Олдимизда иккита «фердинанд» бурқсиб орқага чекина бошлади. Жанг муваффақиятли тугаб дам олишга, ўзимга қарашга вақт топилди. Бир неча кун ўзимни асалга, печеньега боғлаб, сўнг қувватга кириб кетдим.

Гарден қишлоғидаги бу воқеа 11 мартда бўлган эди.

— Ўн бкринчида! — қайта сўраганимиздан сўнг кулиб қўйди қаҳрамон. — Ўша омаддан гапирадиган дўстим айтган эди: Ҳар кимнинг қувонч ва бахт, ташвиш ва кулфат келтирадиган рақами бўлади.

Бир ҳисобда у ҳақ бўлиб чиқди. Бундай ўйласам, ўн биримда отамдан ажраб етим қолганман, мартнинг ўн биринчисида мана шу воқеа юз берди. Яна бир ўн бирини сиз биласиз. Ўша Берлин остонасида душман ўн бир марта атака қилганди. Бу атакалар мени энг қадрдон дўстларимдан жудо этди. Биринчи взвод командири Попов, 1-тўп командири Эсенов, унинг наводкачиси Липскийни ҳамда сиёсий ишлар бўйича қисм командирининг ўринбосари майор Куришевни Берлинда дафн этдик...

Машҳур саркарда Георгий Константинович Жуков Германияда кўксимга қаҳрамонлик Олтин юлдузини тақиб қўяётган кезда зафар бонглари қулоғим остида жаранглар, ғалаба онларининг тотли нашидасини мен билан суришга муяссар бўлмаган ўша қадрдонларим эса кўз олдимдан ўтарди.

ҲАЁТ қолган қуролдошлар урушнинг охиригача жангоҳма-жангоҳ бошдан кечирган ўтли онларини эслаб туришади. Бу тафсилотлар ёддан кўтарилай деган бирон-бир воқеани қайта гавдалантиради.

Солиҳ Умаровга ёзадиганлар унинг қуролдошларигина эмас. Қаҳрамон ёшлар, мактаб ўқувчиларидан айниқса кўплаб хатлар олади.

— «Ҳурматли устоз! Бизнинг отрядимиз сизнинг табаррук номингизга аталиб қўйилган ва шу номни доимо эъзозлаб юришни ўзининг бурчи деб билади. Пионерлар бурчагида сизнинг расмингиз бор. Бизлар сизнинг ҳаёт йўлингиз тўғрисида батафсилроқ билмоқчимиз».

Душанбе, Ленин районидаги «Варзоб» совхози, 52-мактаб.

Хоразмлик унинг номи билан аталган пионер отряди аъзолари ҳам, Нальчикдаги «Поиск» клубидан ҳам, донбасслик ўқувчилар ҳам, туркманистонлик ёш изтопарлар ҳам шу хил мазмунда мактублар йўллашган.

Солиҳ ака уларнинг ҳеч бирини жавобсиз қолдирмасликка ҳаракат қилади. Жавоб хатларида урушдан кейинги тамомила бошқача — тинч, осойишта ҳаёти ҳақида эслатади. Чунки бу ҳаётнинг ўзи ҳам китобларга битгулик. У беш фарзандни тарбиялаб камол топдирди. Фарзандларининг бири врач, бири химик, бири инженер, бири экономист. Ўзи эса мана бир неча йилдирки, «Ўзглавснаб»нинг «Труд» фабрикаси коллективига раҳбар. 500 киши ишлайдиган бу корхона Ўрта Чирчиқ районидаги ипгор саноат корхоналаридан ҳисобланади. Фабрика цехларида иш қизғин. Бу ерда тайёрланаётган хом ашё республикамизнинг, қардош республикаларнинг саноат корхоналарига юборилади. Фабрикадаги 4 та цех коллективи худди тўртта расчётни эслатади. Командир уларнинг ишларини доимо сезгирлик билан кузатиб боради.

Қаҳрамоннинг ҳозирги тинчлик давридаги ҳар бир куни ҳаёт зарварағига бир янгилик битмоқда.

Э. АЗИМОВ,
С. МУСАЕВ.



*

● ОҚҚЎРҒОН районидаги Усмон Юсупов номли 44-ўрта мактабнинг илмий бўлим мудири Жўра Ҳожиев ёш ўқитувчилар билан ишлашга алоҳида эътибор бермоқда. Ўқувчиларнинг ёзги дам олиш даврида ҳам ўз билимини ошириш бўйича иш олиб бораётган ёш ўқитувчиларга яқиндан ёрдам бермоқда. Суратда: Ж. Ҳожиев (ўртада) ёш ўқитувчилар З. Эгамбердиев ва М. Саидхўжаева билан коммунистик тарбиянинг илмий-назарий асослари ҳақида суҳбатлашмоқда.

П. ЭРГАШЕВ фотоси.

*

ҲАМКОРЛИК

ЛЕНИН номидаги Ўзбекистон металлургия заводи маданият саройи байрамлардагидек безатилган. Бу ерга тошкентлик санъаткорлар меҳмон бўлиб келишган. Республикамизнинг энг етакчи, ижодкор коллективларидан бири бўлган Ҳамза номидаги Давлат академик драма театри ижодий коллективи билан оталиқ алоқалари шартномасини имзолаш катта тантанага айланиб кетди. Санъаткорлар билан металлурглар бундан буён ижодий ҳамкорлик қилиб туришга аҳдлашиб олишди.

Йиғилганлар «Келинлар қўзғолони» спектаклидан кўрсатилган парчаларни завқ билан томоша қилишди.

С. АКРОМОВ.

ҲОДИСА

МАЪМУРЖОН ОМОН ҚОЛДИ

Биз Тошкент шаҳар Чилонзор райони, 1-Чарх Камолон маҳалласида истиқомат қилувчи Рихсиевлар оиласи электр токидан ҳалок бўлаёзган ягона фарзандимиз Маъмуржон Рихсиевнинг ҳаётини сақлаб қолган, қўшни маҳаллада яшовчи Убайдулла Миртиллаевнинг уддабурролиги ва инсонпарварлигидан беҳад мамнун бўлиб, газетангиз орқали унга самимий миннатдорчилигимизни изҳор этмоқчимиз.

Воқеа бундай бўлган эди. Ўша куни пешин пайти эди. Убайдулла ака сўри тагида газета ўқиб, ҳордиқ чиқариб ўтирарди. Кутилмаганда қаттиқ чинқириқдан чўчиб кетди. Ҳовли ўртасида бир бола чилпарчин бўлиб ётарди. Убайдулла ака сўридан сакраб тушди-да, болани тургизмоқчи бўлди. Бироқ унинг жонсиз ётганини кўриб чўчиди, лекин дарҳол воқеани тушуниб, боланинг зичланиб қолган жағини очиб, тилини тортди-да, кучи борича оғзига пуфлай бошлади. Сўнг оёқ ва қўлларини ҳаракатга келтириб, кўкракларини обдон ишқалади. Бир неча минут давом этган ана шундай ҳаракатдан кейин Маъмуржон кўзини очган бўлди. Ҳозиргина дод-фарёд солиб турган она кўзларида қувонч ёши пайдо бўлди.

Кучли электр токи зарбидан, ҳалокатга учраган 8 ёшли Маъмуржон Рихсиевни ўлим чангалидан қутқариб қолган Убайдулла Миртиллаевни маҳаллада ҳамма ҳурмат қилади. У киши ўртоқлик судининг раиси, жамоат ишларида актив қатнашиб келмоқда.

С. ҒОФУРОВ.

ҲАҚИҚАТ ТАНТАНАСИ

ҲАҚИҚАТ. У эгилади, аммо синмайди. Бу ноёб тушунчанинг чеҳрасига гард қўниши, чанг босиб маълум муддатга хиралаштириб қўйиши мумкин. Вақти келиб ҳаёт оқимининг шамоли бир қўзғалади-ю, ана шу чангларни ҳақиқатнинг чеҳрасидан супуриб ташлайди ва у ялт этиб юзага чиқади.

Таниқли ўзбек драматурги Уйғуннинг «Парвоз» пьесасининг лейтмотивини ҳақиқат тантанаси ташкил этади. Асарнинг ғоявий йўналишини белгилаган мана шу қизил ип атрофида яна бирқанча маиший-ахлоқий масалалар ҳусусида баҳс юритилади.

Пьеса саҳнасиз ярим жонли бир нарса. Унга саҳнада бутун жон бахш этилади. Пьесанинг дунё юзини кўриши, яъни томошабинлар билан «учрашуви» ҳамда кейин қанча умр кўриши ана шу саҳна соҳибларининг маҳорати ва қобилиятига боғлиқ. Айтиш мумкинки, таниқли драматург Уйғуннинг мазкур салмоқли асарини Максим Горький номли Фарғона область музикали драма ва комедия театри коллективи яхши саҳналаштирган.

Ҳозирги кунларда бу театрнинг ижодий коллективи пойтахтимизда меҳмон бўлиб, гастрол спектаклларини муваффақиятли ўтказмоқдалар. Ўтган ҳафта «Ёш гвардия» театри саҳнасида фарғоналик санъаткорлар «Парвоз» спектаклини томошабинларга тақдим этишди. Спектаклдан сўнг СССР халқ артисти, Ҳамза номли Ўзбек Давлат Академик драма театрининг актёри Зикир Муҳаммаджоновдан ўз таассуротлари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик.

— Зикир ака, сиз отахон театримизда «Парвоз» спектаклида область партия комитетининг биринчи секретари Жабборов ролини ўйнагансиз. Бу роль артист Холмат Икромов ижросида қандай чиққан ва умуман, фарғоналик актёрлар ижросида бу спектаклнинг ғоявий-бадиий ифодаси хусусидаги фикрингиз қандай?

— Яхши, фақат яхши. Обкомнинг биринчи секретари Жабборов ҳам, райком секретари Ҳурриятхон ҳам. Айниқса Ёрқиной Ҳатамова ижросидаги Ҳуррият жуда муваффақиятли чиққан...

Ёмонлик ва яхшилик, мансабпарастлик ва камтаринлик... Районга янгигина раҳбар бўлиб келган Ҳуррият донгдор, машъал хўжаликлардан бирида худди ана шу конфликтга дуч келади. Асл ҳақиқатни юзага чиқариш, айбдорларни топиб жазолаш янги раҳбар учун жуда муҳим эди. Ҳуррият инсон тақдирига, бу тақдир бекордан-бекорга бахтсиз бўлиб қолишига бефарқ қараб тура олмайди. Лекин юқорида айтганимиздек юзига гард юққан ҳақиқатни юзага чиқариш учун курашиш керак. Бу кураш эса осон гап эмас. У энг бақувват хўжаликнинг бақувват раиси, қаҳрамонликка тавсия этилган Мамасолиев билан курашиши керак.

Республикада хизмат кўрсатган артист Ёрқиной Ҳатамованинг Ҳуррияти, албатта, Ҳамза номли театр саҳнасида СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева яратган Ҳурриятдан анча фарқ қилади. Сора опа яратган Ҳуррият кўпроқ ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, тажрибали раҳбар бўлиб гавдаланса, Ёрқиной Ҳатамова яратган образда ёшлик шижоати ва ўйчанлик уйғунлашиб кетган. У собиқ бригада бошлиғи Тошпўлатнинг (Маматвали Алиев) гапларига ишонса-да, Мамасолиевнинг айбдор, жиноятчи эканлигига шубҳа билан қарайди. Лекин бу узоққа чўзилмайди. Раис билан дастлабки учрашувдаёқ олдида доғули, айёр, ўргимчакдек ҳаммаёққа тўрини ёйиб ташлаган бир киши турганлигини ҳис қилади.

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ТЕАТРИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ГАСТРОЛЛАРИ

Ҳуррият ана шу «ўргимчак» ёйган тўрларни кесиб ташлаши, унинг ҳамма кирдикорларини фош этиши керак. Раис осонликча жон берадиган одамлардан эмас. Унинг суянган «катта-катта» одамлари бор, қўлини қаерга чўзса етади.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Жалолиддин Охунов бу образ устида узоқ ишлаганлиги сезилиб турибди. Унинг талқинидаги Мамасолиев спектакль қаҳрамонлари Санам, Пўлатжонлар тили билан айтганда «қонҳўр бўрига» айланган, ўзининг манфаати, айшу-ишратдан бошқа нарсани ўйламайдиган бир киши. Ҳатто район партия комитетининг янги биринчи секретари Ҳуррият Зиёевнани ҳам назар-писанд қилмайди.

Лекин раиснинг ўзига бўлган бу ишончи узоққа бормади. Райкомнинг биринчи секретари Тошпўлат, Ўғилжон, Зуҳра, сингари колхозчиларнинг ёрдами билан унинг барча кирдикорларини, жиноятини, маиший бузуқлигини очиб ташлади. Ҳатто раиснинг обком секретари Олимовдек (ЎзССР халқ артисти Солижон Аҳмедов) суянган тоғи ҳам унга ёрдам бера олмади.

...Колхозчиларнинг умумий мажлиси бўляпти. Пўлатжон ва Санамлар, Зуҳра ва Ўғилхонлар раиснинг бор қилмишларини, унинг маиший бузуқлигидан тортиб, катта бир жиноятчи, қотил эканлигигача очиб ташлашди. Мажлис бошида шердек ҳеч кимни менсимаган Мамасолиев энди бошини кўтаролмай қолди. Ҳақ жойида қарор топди. Ҳуррият туллак, бутун колхозни «ўзиники» қилиб олган Мамасолиев устидан ғалаба қозонди. Албатта, сюжетнинг мантиқий давоми худди ана шундай туғалланишини талаб қиларди. Обкомнинг биринчи секретари Жабборов (ЎзССР халқ артисти Холмат Икромов) айтганидек Мамасолиевга ўхшаган кишилар қанчалик ўзларини гуноҳсиз деб ҳисобламасинлар, улар жамиятимиз учун ёт, ҳаёт уларни ўз-ўзидан денгиз кўпигидек оқизиб кетади.

Секретарь қиз Санам (артист М. Шомуродова) пьесада асосий персонажлардандир. Аммо унинг ўлимга, пичоққа тик бориши у қадар ишончли чиқмай қолган. Шу моментни психологик тайёрлов орқали бироз чўзиш, кечинмаларни сўзлар билан чуқурлаштириш ва кучайтириш керак эди. Ана шунда йигит қўлидаги пичоқнинг тушиб кетиши томошабин ҳаяжонининг кульминацияси бўлар эди. Худди ана шундай гапларни пьеса охирида Тошпўлатнинг мажлисга кириб келиши ҳақида ҳам айтиш мумкин. Тошпўлатнинг тўғри турмадан қутулиб, мажлисга кириб келишининг ўзи томошабинда жуда кучли ҳаяжон уйғотиши керак. Лекин бунинг учун спектакль бошиданоқ томошабинни шунга тайёрлаш, психологик сўзлар ва саҳналар орқали Тошпўлат образини яна ҳам кучайтириш керак эди.

Шунга қарамай, Фарғона область актёрлари ижросида «Парвоз»нинг саҳна юзини кўриши ўзбек театр санъати ривожига қўшилган муносиб ҳисса. Шубҳа йўқки, «Парвоз» фарғоналик санъаткорларнинг репертуаридан узоқ йилларгача тушмай, мустаҳкам ўрин олади.

* * *

Ушбу мақола босмага тайёрланаётган вақтда матбуотда «Парвоз»ни ва бошқа бир қатор спектаклларни саҳналаштирган Фарғона театрининг бош режиссёри Носир Отабоев номзоди Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига кўрсатилганлиги хабар қилинди. Бу ёш режиссёрнинг катта муваффақиятидир. Биз Носир Отабоевга янги ижодий парвозлар тилаймиз.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
А. АБДУЛЛАЕВ.

Спорт

ГАЗЕТА СОВРИНИ УЧУН

Санъат саройида «Правда Востока» газетаси совриии учун энг кучли шашкачиларнинг анъанавий олтинчи турнири давом этмоқда. Мусобақа қатнашчилари навбатдаги тур ўйинларини «Политотдел» колхозида ўтказишди. Аввалги йилларда бўлгани каби бу сафар ҳам турнир қатнашчиларини колхоз спорт мухлислари катта хурсандчилик ва гулдасталар билан қарши олишди.

Биринчиликда пешқадамлик қилаётган тошкентлик Ҳадича Иброҳимова мамлакатнинг собиқ чемпиони, минсклик Л. Ильина билан бўлган ўйинни дуранг қилди. Вильнюслик Р. Виткаускайте С. Файзулинани мағлубиятга учратиб, пешқадамга етиб олди.

Навбатдаги бешинчи турда тошкентлик шашкачи Ҳ. Иброҳимова ўз ҳисобига яна бир очко ёзишга эришди. У таллинлик шашкачи Эйнин енгди.

Беш турдан сўнг Иброҳимова ва Виткаускайтелар 4 тадан очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Донецклик Т. Мишчанская ҳисобида 3,5 очко бор.

ЁШЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ЎЙИНЛАРИ

Ёшларнинг Бутуниттифоқ иккинчи спорт ўйинлари программаси асосидаги мусобақалар давом этмоқда. Москвада ёш шахматчилар куч синашишмоқда. Финал саккизлигига кирган республикамиз вакиллари кучлилар сафидаги ўйинларни анча бўш ўтказишди. Улар навбатдаги учрашувларда Украина ва Ленинград командаларига бир хил 2:4 ҳисобида ютқазиб, жами 5,5 очко билан ўз группаларида тўртинчи ўринда қолишди. Энди шахматчиларимиз Белоруссия командаси билан 7—8 ўринлар учун беллашади.

Минск шаҳрида мерганларнинг мусобақалари давом этяпти. Биринчи кунги отишувлардан сўнг 382 ва 383 тадан очко тўплаган республикамиз вакиллари Чесноков ҳамда Колосовлар иккинчи-учинчи ўринларни эгаллаб туришибди. Мусобақа программасига киритилган 27 турнинг 8 тасига якун ясалди. РСФСР спортчилари биринчи, Украина вакиллари иккинчи, москваликлар учинчи ўринни эгаллаб туришибди. Ўзбекистон спортчилари 348,36 очко билан кучли ўнликда боришмоқда.

ШАХМАТЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ТУРНИРИ

Ленинградда шахматчиларнинг халқаро турнири давом этмоқда. Навбатдаги ўн учинчи турда пешқадам Романишин Смейкални мағлубиятга учратди. Таль — Рибли, Балашов-Карпов, ўйинлари дуранг бўлиб якунланди. Смислов — Фогтни, Гарсия — Белявскийни енгди.

13 турдан сўнг саккиз очко тўплаган Олег Романишин турнирда пешқадамлик қилмоқда. Анатолий Карпов ҳисобида 5,5 очко бор. Шунингдек жаҳон чемпиони кечиктирилган икки ўйинда устунликка эга.

ПИОНЕР ЁЗИ СОЗ ЎТМОҚДА

4-«ДАЛВАРЗИН» совхозининг сўлим боғида жойлашган «Зафар» пионер лагерида 350 дан ортиқ пионер ва ўқувчилар ҳордиқ чиқаришмоқда. 1, 4-«Далварзин», «Ленинград», Ойбек номли совхозлар, Ленин номли, Дзержинский номли хўжалик меҳнаткашларининг фарзандлари бу пионер лагерида меҳрибон мураббийлар қўлида ёзги таътил кунларини хушчақчақ ўтказишяпти. Улар экскурсиялар уюштиришмоқда, спорт мусобақаларида беллашмоқдалар. Пионер ва ўқувчиларнинг кўнгилли дам олишида тарбиячилардан В. Абдуллаев, Ю. Исрофилов, Т. Қамбарова, К. Назирхўжаев сингари мураббийларнинг хизмати катта бўляпти.

К. МАВЛОНОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ КИЕВ ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

1977 йилда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун қуйидаги факультетларнинг биринчи курсига

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МЕХАНИКА факультети — учувчи аппаратлар ҳамда учувчи аппаратлар ва двигателларни эксплуатация қилувчи, учувчи аппаратлар ва двигателларни ремонт қилувчи инженер-механиклар тайёрлайди.

РАДИОТЕХНИКА факультети — қуйидаги ихтисослар бўйича авиация радиоэлектрон асбобларни эксплуатация қилувчи радиоинженерлар тайёрлайди:

учувчи аппаратларнинг радиоэлектрон асбобларини техника жиҳатидан эксплуатация қилиш;

аэропортларнинг радиолокация ва радионавигация системаларини техника жиҳатидан эксплуатация қилиш;

аэропортларнинг алоқа системаларини техника жиҳатидан эксплуатация қилиш.

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА факультети — қуйидаги ихтисослар бўйича авиация электр асбобларини техника жиҳатидан эксплуатация қилувчи инженер-электриклар тайёрлайди:

Авиация асбоблари ва учувчи аппаратлар электр асбобларини техника жиҳатидан эксплуатация қилиш;

борт пилотаж-навигация комплексларини техника жиҳатидан эксплуатация қилиш.

аэропортларнинг электр асбобларини техника жиҳатидан эксплуатация қилиш.

АВТОМАТИКА ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ факультети — қуйидаги ихтисослар бўйича инженер—системотехниклар тайёрлайди:

электрон ҳисоблаш машиналари;

бошқаришнинг автоматлаштирилган системаси.

ИНЖЕНЕРЛИК-ЭКОНОМИКА факультети — ҳаво транспорти экономикаси ва уни ташкил этиш бўйича инженер-экономистлар тайёрлайди.

АЭРОПОРТЛАР факультети — аэродромлар қурилиши бўйича инженер-қурувчилар, аэропортларнинг автоматлаштириш механизациялаштириш воситаларини техника жиҳатидан эксплуатация қилувчи инженер-қурувчилар тайёрлайди.

ЁНИЛҒИ-МОЙЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ факультети — ёнилғимойловчи материалларни синаш ва қўллаш бўйича инженер-механиклар тайёрлайди.

Ўқишга 35 ёшгача бўлган ўрта маълумотли, соғлиғи жиҳатидан граждан авиацияси ишида ишлашга лойиқ кишилар қабул қилинади.

Қиз-жувонлар инженер—экономика факультетига, автоматика ва ҳисоблаш техникаси факультетига, ёнилғи-мойлаш материаллари факультетига ва аэропортлар факультетига инженер—қурувчи ихтисоси бўйича қабул қилинадилар.

Яхши ўқувчи студентлар 40 сўм ҳажмида (I, II, III ва IV курсларда), V ва VI курсларда 45 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Студентларнинг ҳаммаси 25 процент нархини тўлаш шарти билан формалик кийим-кечак билан таъминланадилар.

Студентларнинг кўпчилигига ётоқхона берилади.

АРИЗАЛАР 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), корхона ва жамоат ташкилоти томонидан имзоланган олий ўқув юртига кириш учун характеристика, медицина справкаси (286-форма), 3х4 сантиметрли 6 та фотосурат (бош кийимсиз), ташкилотнинг кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма; паспорт ва ҳарбий билет (приписной гувоҳнома) прописка ва учёт тўғрисидаги белги қўйилган ҳолда шахсан топширилади.

Медицина кўриги қабул комиссиясининг йўлланмаси билан медкомиссия томонидан кириш имтиҳонлари бошлангунга қадар ўтказилади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача математика (ёзма ва оғзаки), физика (оғзаки), рус тили ва адабиёти (ёзма) дан ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ВА КОНКУРС БЎЙИЧА ТАНЛАБ ОЛИШ ИШЛАРИ КИИГА ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСДА БАЖАРИЛАДИ:

252058, Киев—58, Комарова проспекти, 1, КИИГА қабул комиссияси;

123193, Москва—193, Пулковская кўчаси, 6—А, МИИГА қабул комиссияси (аэропортлар ҳамда ёнилғи-мойлаш материаллари факультетларигагина ариза қабул қилинади);

226019, Рига—19, Ломоносов кўчаси, 1, РКИИГА (аэропортлар ёнилғи ва мойлаш материаллари факультетлардагина ариза қабул қилинади);

344066, Ростов—Дон-66, Аэропорт, КИИГА қабул комиссияси;

664012, Иркутск—12, Коммунарлар кўчаси, 3—А, КИИГА қабул комиссияси;

680029, Хабаровск—29, Донгчук кўчаси, 3, КИИГА қабул комиссияси;

370000, Боку Марказ, Ленин проспекти, 11. КИИГА қабул комиссияси;

375009, Ереван—9, Киров кўчаси 14, КИИГА қабул комиссияси.

380000, Тбилиси, Аэропорт, КИИГА қабул комиссияси.

700104, Тошкент—104, Гоголь кўчаси 77, КИИГА қабул комиссияси;

744008, Ашхабод—8, Аэропорт, КИИГА қабул комиссияси;

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ВАҚТИДА БАРЧА АБИТУРИЕНТЛАРГА ЁТОҚ БЕРИЛАДИ. ТУРАР-ЖОЙИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАРНИНГ ҲАММАСИГА КИЕВ ШАҲРИДА, КИИГА ҲУЗУРИДА ИМТИҲОН ТОПШИРИШГА РУХСАТ БЕРИЛАДИ.

Киев шаҳридаги институтга темир йўл вокзалидан борилади. 3-трамвайнинг «Институт ГВФ» бекати; Аэрофлот марказий агентлигидан—9 автобус билан борилади. «ГВФ» институти бекати.

КИЕВ ШАҲРИДАГИ МАРКАЗИЙ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ТЕЛЕФОНИ 43-41-05.

ТЕМИР ЙЎЛЛАР МИНИСТРЛИГИ

МЕТРОПОЛИТЕНЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ

Майда пул автоматларининг катта оператори ва оператори, станция оператори; поездларни қабул қилиш ва жўнатиш навбатчиси, автомат назорат пунктлари контролери, контакт қилинадиган изларни айланиб юрувчи ихтисослари бўйича тайёрлайдиган курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЁШИ 18 ДАН ОШГАН, 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 1 ой.

ЎҚИШ ДАВРИДА КАМИДА 80 СЎМ МИҚДОРИДА ТАРИФ СТАВКАСИ ТЎЛАНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР 25 ИЮЛДАН БОШЛАНАДИ.

Курсларни тамомлаб чиққан кишиларнинг ҳаммаси темир йўл транспорт ходимларига белгиланган барча имтиёзлардан, шу жумладан ҳар йили СССР темир йўллари бўйлаб бир марта бепул юриш ва метрополитенда бепул юриш имтиёзларидан фойдаланади.

Ходимларнинг айрим категориялари учун иш ҳақидан ташқари кечаси ишлаганлиги учун соат тариф ставкасининг 35 проценти миқдорида устама ва зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлиги учун қўшимча ҳақ тўланади, ойлик иш ҳақининг 30 процентгача бўлган миқдорда ҳар ой меҳнатга ҳақ тўлаш мукофот системаси (тариф ставкаси) кўзда тутилади.

Ёлғиз кишилар умумий ётоқхона билан таъминланади, оилали кишиларга белгиланган тартибда уй-жой берилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри—60, Т. Шевченко кўчаси, 44-уй. Телефон: 33-90-15.

«ЎЗБЕКХЛОПКОМАШ» бирлашмаси базасидаги

95-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977—78 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: металл бўйича токарь, механика-йиғув ишлари слесари, слесарь-асбобсоз, фрезерчи, саноат ускуналарини тузатиш бўйича слесарь, электр пайвандчи.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 14—24 ЁШЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1—2 ЙИЛ.

Ўқувчилар кунига уч маҳал овқат, кийим-бош ва шахсий кийим билан таъминланадилар.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.

Билим юртидаги ўқиш муддати доимий меҳнат стажига киради.

БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА 39-КЕЧКИ ИШЧИ ЁШЛАР МАКТАБИ МАВЖУД.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши лозим: ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), метрика ёки паспорт; 6 дона фотосурат (3х4 см.), автобиография, мактабдан характеристика.

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Куйбишев райони, ГСП, Тюльпановский проезд, 92-уй (1, 4, 17, 41, 69, 71, 24-автобусларининг «Статуправление» бекати). Телефон: 66-85-85.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

14, 17 июль соат 19.00да

Икром АКБАРОВ

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

„СЎҒД ЭЛИНИНГ ҚОПЛОНИ"

3 парда, 9 кўринишли опера
БОТИР ЗОКИРОВ либреттоси.

Саҳналаштирувчи режиссёр — РСФСР халқ артисти, Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, М. И. Глинка номидаги РСФСР Давлат мукофоти лауреати Р. ТИХОМИРОВ.

Дирижёрлар — Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Ф. Шамсутдинов ва Ғ. ТЎЛАГАНОВ.

Рассом — Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Т. ШОРАҲИМОВ.

Балетмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист И. Юсупов.

Бош хормейстер — С. ШОДМОНОВ.

Хормейстер — М. ЯДРИНСКАЯ.

Билетлар сотилмоқда.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Болалар учун эртак. 11.00 — «Раддия» (бадиий фильм, 1-серия). 12.10 — Киносаёҳатчилар клуби. 14.50 — Ҳужжатли фильмлар. 15.40 — «Афти-ангорини қаранг» (бадиий фильм, 1-2серия). 17.25 — «Фан ва техника». 17.35 — Фильм-концерт. 18.05 — Фан оламида. 18.35 — Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.20 — «Жасорат». 19.50 — Спортлото. 20.00 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. Совет Латвияси. 22.00 — «Вақт». 22.30 — «Раддия» (бадиий фильм, 2-серия). 23.40 — Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар. 24.00 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ҳужжатли фильм. 11.50 — Фильм-концерт. 18.25 — «Бойчечак». 18.55 — «Минглар шартномаси асосида». 19.25 — Ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Конституцияси лойиҳаси тўғрисидаги доклади — буюк сиёсий ва ғоявий-назарий ҳужжатдир. 19.45 — «Ахборот». 20.00 — Эстрада программаси. 21.00 — «Ахборот». 21.20 — Т. Мамедова концерти. 21.50 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Нознеъмат бунёдкорлари. 22.50 — «Улуғ тарих саҳифалари» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — «Тирик мурда» (фильм-спектакль, 1-серия). 20.35 — Янгиликлар. 20.55 — Пойтахт области далаларида. 21.25 — Фильм-концерт. 21.55 — Химия.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Муҳаббат ёзи (катта зал), Аёл ва иблис (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Муҳаббат ёзи — **«ЧАЙКА», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «НУКУС»** (кундуз ва кечқурун).

Кенгуру — **«ҚОЗОҒИСТОН»** (жуфт соатларда).

Кадкинни ҳамма билади — **«ҚОЗОҒИСТОН»** (тоқ соатларда), **«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ»** (кундуз ва кечқурун).

Сиздан угина, биздан бугина — **«ЎЗБЕКИСТОН»** (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Музика садолари — **«ФЕСТИВАЛЬ»** (21.00).

Кадкинни ҳамма билади — **«ХИВА»** (21.00, 22.30).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 01544. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. 1661.